VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

42 (474) ● 2017 йил 11 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОЧИ ШАҲРИГА КЕЛДИ

СОЧИ, 10 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 10 октябрь куни Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига келди.

Президентимизни Сочи халқаро аэропортида Россия Федерацияси расмий доиралари ва МДҲ Ижроия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисининг асосий тадбирлари 11 октябрга мўлжалланган. Мажлис кун тартибига Ҳамдўстлик доирасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир 20 га яқин масала киритилган.

Саммит якунида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Мажлисда 2018 йилда Ҳамдўстликка раислик қиладиган мамлакат масаласи кўриб чиқилиши, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилиши кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сочи шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ҳам ўтказади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида, шу жумладан агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш;

соҳада замонавий ресурс тежовчи илғор агротехнологияларни, муқобил энергия воситаларини, шунингдек инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга кўмаклашиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиш;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўриш, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган намунавий фермер хўжаликларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш;

қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматини, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг бошқа ташкилотлар билан кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш;

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмаилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 1-илова

"Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 2-илова

"Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонининг ТАВСИФИ





"Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги — 2,2 миллиметр.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, тараладётган қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган ҳилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган "25" ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли "YIL" ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тасвири акс эттирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалли доирада "O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA" сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказда иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида бир-бирига туташтирилган ҳолатдаги иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказда "2017" ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сариқ рангли энсиз чизиқлар билан ҳошияланган эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Фракция позицияси

ЭНДИ ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ОЛИШ МУМКИН БЎЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари мажлисда кўрилган қонун лойиҳалари бўйича партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатлари нуқтаи назаридан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

3-бет

Маҳаллий Кенгашларда

СЕССИЯ ҚАРОРИ ИЖРО ЭТИЛМАДИ

Маданий мерос объектлари бой тарихимиз, аждодларимиз маънавияти юксаклиги ва маҳоратидан дарак берувчи, турли даврлар силсиласидан ўтиб бизгача етиб келган бебаҳо бойликдир. Уларни асл ҳолича сақлаш, асраб-авайлаш, тарихини ўрганиш, тадқиқ ва кенг тарғиб қилиш бугунги кунниng муҳим вазифасидир. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида аниқ мақсад-вазифалар белгиланган бўлиб, партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларимиз ўз фаолияти давомида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари партиянинг ушбу йўналишдаги дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқдаш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганди. Ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгаш сессиясида қизғин муҳокама қилинди.

5-бет

Парламентда мунозара

ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АЙНИ ШУ НУҚТАИ НАЗАР БИЛАН ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИНИНГ ТАКЛИФИНИ ИНКОР ҚИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 12 июлида парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқадиган позицияларини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб, "Фракцияларда қонун лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар муҳокамасини, улардаги конструктив баҳс ва мунозараларни янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши, фракциялар ушбу масалаларда принципиал позициясини намоён этиши шарт. Чунки баҳс, тортишув бўлган тақдирдагина қонунлар мукаммал ҳаётий кучга эга бўлади", деди.

Дарҳақиқат, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида фракцияларнинг ўзлари мансуб партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурадиган позицияси, энг аввало, партия электорати манфаатлари ҳимоясига, сайловолди Платформаси ижросига хизмат қилади. Шу маънода бугун сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ўртасида ғоялар, дастурлар ва электорат манфаатлари учун ўзаро кураш, соғлом рақобат кучайиб бормоқда. Парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳасига ҳар бир партия фракцияси ўз дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалар ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб ёндашмоқда.

3-бет





"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

қишлоқ жойларда аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланиш, шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар ва туманлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

3. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз хулосасини тақдим этиш;

фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдирган талабгорларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, малакасини ошириб бориш ва улар орасидан муносиб номзодларни ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсия қилиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда ёшларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш ҳақида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсиялар бериш;

фермер ва деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини ажратиш юзасидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига хулосалар киритиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

4. Белгилансинки:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари

ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) билан келишилиши шарт;

Кенгаш раиси лавозими бўйича "Агробанк" акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига киритилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туман ҳокимларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ҳамда мақоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилади.

5. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилсин.

Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга консалтинг хизматларини кўрсатиш, шу жумладан ҳуқуқий, иқтисодий, технологик соҳаларда маслаҳатлар бериш, бизнес-режалар тузишда кўмаклашиш;

ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда реализация қилишда воситачилик хизматларини кўрсатиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, уруғ ва кўчатлар, таралар, техника ва бошқа воситаларни етказиб бериш;

банк кредитлари, халқаро ва хорижий молиявий ташкилотларнинг кредит ва грантларини жалб қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича белгиланган тартибда қайта тайёрлаш, малака ошириш ўқув ва амалий курсларини ташкил этиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва хизмат кўрсатишда кооперация муносабатларини ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланади;

ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказади, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;

деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

7. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

ҳар йили кейинги йил ҳосили учун экин экишдан бир ой олдин фермер хўжаликлари кесимида, контурлар ва экин турлари бўйича, тупроқ, иқлим, сув шароитидан келиб чиқиб, камида икки марта ҳосил олинишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилишини таъминласин;

ҳар йили 15 февралгача барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган маҳсулотларнинг прогноз ҳажмларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари асосида тасдикланишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда чакана сотиш тўғрисида шартномалар тузилишини тизимли равишда ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ва сифатли экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини замонавий ўлчов воситалари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланган ҳолда доимий мониторинг қилиб борсин;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан ўлгуржи истеъмолчилар, шу жумладан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари ўртасида шартномалар тузиш ва бажаришда қонунчиликка риоя қилиниши, шартнома интизомини бузганлиги учун тарафларнинг жавобгарликка тортилиши устидан тизимли назорат олиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадаллари тўлаш учун ҳар йили пахта хом ашёси харид нархини ўрнатишда 0,8 фоиз миқдордаги маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда Жамғарманинг ҳар йилда шаклланадиган балансида алоҳида бандда мазкур маблағларни ойма-ой акс эттирсин;

Марказий банк, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Кенгашга ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг агросаноат комплексига масъул бўлган ўринбосарига қишлоқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

13. Кенгаш Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Кенгашга ажратилган бинони таъмирлаш ва жиҳозлаш манбалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларини зарур бинолар билан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг асосий қисми – фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида ушбу соҳада ўз ечимини кутиб турган масалаларни бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур Фармон ижросини тўлиқ ва сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2017 йили 22 сентябрь куни ўтказилган таъсис конференциясида белгиланган асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Ташкил этилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш, ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳокама қилишда, ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ масалаларда иштирок этиш билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқлар берилди.

Таъкидлаш лозимки, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан давлат

ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш ташкил этилган кенгашларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифанинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига бир қатор ваколатлар ҳам берилди.

Хусусан, қарорда:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилиши шартлиги;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси лавозими бўйича "Агробанк" акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига киритилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туман ҳокимларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланиши ҳамда мақоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилиши белгилаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ташкилий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашиш мақсадида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

Қарор билан Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди. Чора-тадбирлар дастурида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг молиявий барқарорлигини, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича 34 та муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Қарорда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, фермер, деҳқонларнинг ҳамда томорқа

ер эгаларининг шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича янгича тартиб жорий этилди. Унга кўра:

барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланади;

ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказади, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади.

Қарорда белгилаб қўйилганидек:

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;

деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқисиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда бир қатор ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш, унга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида Молия вазирлиги 2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадали тўлаш учун ҳар йили пахта хом ашёси харид нархини ўрнатишда 0,8 фоиз миқдордаги маблағларни назарда тутиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда экин майдонларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жараён

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида айни пайтда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 15 сентябрдаги қарорига мувофиқ, 2017 йил 24 декабрь — якшанба куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига депутатлар сайлови куни деб белгиланган эди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 23 сентябридан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов компанияси бошланган. Мазкур сиёсий жараён, ўз навбатида, сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайлов жараёнида муносиб иштирок этишга интилмоқда. ЎзМТДП Марказий кенгаши партиянинг сайловда иштироки бўйича асосий тадбирлар дастурини қабул қилди. Партия сайловга тайёргарлик кўриш давомида депутатликка муносиб номзодларни саралашга алоҳида эътибор қаратди.

Шу кунларда ЎзМТДП Марказий кенгашининг асосий тадбирлари дастурига кўра, партия Тошкент шаҳар туман ташкилотларининг мажлислари ўтказилмоқда. Унда туманлар партия ташкилотларининг навбатдан ташқари Конференциясини чақириш, Конференцияларга делегатларни сайлаш мақсадида бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишларини ўтказиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

— Партия ташкилотларимиз сайловга тайёргарлик жараёнини уюшқоқлик билан олиб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишга ҳаракат қилмоқда, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Акмал Рўзитоев. — Айни кунларда ўтаётган туман партия ташкилотлари мажлисларида асосий эътибор сиёсий жараённи қонун талаблари асосида ташкил этишга қаратилмоқда. 2017 йилнинг 20 октябрига қадар ҳудуддаги барча бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши ўтказилиб, ЎзМТДП туман кенгашларининг навбатдан ташқари Конференцияларига делегатлар сайланади. 5 ноябрга қадар туман кенгаши конференциялари ўтказилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатилади. Таъкидлаш жоиз, мазкур сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари сайлов тўғрисидаги қонунчилик, демократик принциплар ва халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ЎзМТДПнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоиз, Тошкент шаҳар туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш туманлар даражасида маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳудудни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотлари тингланиб, ҳудуд тараққиётига қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш имкониятлари кенгаяди. Депутатлик назоратини ўрнатиш орқали пойтахт туманларидаги мавжуд турли масала ва муаммоларни жойида ҳал қилишга эришилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур вакиллик органларига бўладиган сайловга ҳозирлик кўриш жараёнида депутатликка номзодларнинг бугунги давр талабларига жавоб бера олиши, ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускорлиги, партия дастурий вазифаларидан хабардор эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўз мухбиримиз

Парламентда мунозара

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қуйи палата депутатлари томонидан қизғин муҳокама этилди, фракциялар ўзаро баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ АЙНИ ШУ НУҚТАИ НАЗАР БИЛАН ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИНИНГ ТАКЛИФИНИ ИНКОР ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 29 июнь куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманига ташрифи давомида миллий қадриятларга таянган ҳолда никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, бу борада маҳалланинг ролини кучайтириш масалаларига тўхталиб, ушбу йўналишда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш лозимлигини айтган эди.

Мазкур қонун лойиҳаси айни шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, у оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган.

— Халқимиз оилани муқаддас билиб, ҳамиша унинг мустаҳкамлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга интилади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова. — Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Яқинда парламент қуйи палатасида иккинчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ажримларнинг олдини олиш, бунда маҳаллаларнинг тутган ўрнини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, ажрашиш учун судга ариза берилганда суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилган тақдирда, оилани сақлаб қолиш учун муайян чоралар кўриш мақсадида тегишли фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига хабар бериши лозимлиги кўзда тутилмоқда. Худди шундай фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари ҳам эр-хотин ажрашиш учун ариза берганда, тегишли фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясига хабар бериши зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

Маълумки, яраштириш комиссияси фуқароларнинг оила ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиши лозим. Улар оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқиши натижасида кўплаб муаммоли оилалар яраштирилиши ва сақлаб қолинишига эришиш мумкин. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, судлар ва ФҲДЁ органлари никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларни кўраётгани тўғрисида яраштириш комиссияларига маълумотлар тақдим этмаслиги оқибатида комиссиялар кўп ҳолатда ажралаётган оилалар ҳақида бехабар қолмоқда ва уларни яраштириш бўйича чоралар кўриш имкониятидан маҳрум бўлаётир.

Дарҳақиқат, фуқаролар йиғинлари ҳузурида иш юритаётган яраштириш комиссиялари оилавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш, яъни оилавий низоларни судга қадар кўриб чиқиб, ажримларнинг олдини олишга ҳисса қўшиши мумкин. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар ва ФҲДЁ органлари томонидан уларнинг иш юритувида никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мавжудлиги тўғрисида яраштириш комиссияларини хабардор қилишга доир қоидаларнинг киритилиши айни муддао. Бу яраштириш комиссияларига юз бериши мумкин бўлган ажралишлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ва эр-хотинларни яраштиришга ҳаракат қилиб кўриш имконини беради.

Аммо қонун лойиҳаси муҳокамасида маҳалланинг аралашиши эр-хотиннинг маҳалла-кўй орасида мулзам бўлишига олиб келади, шахсий ҳуқуқлари дахлсизлигига путур етказади.

Халқаро экспертлар эътироф этаётган бошқарувнинг ноёб шакли — маҳалла институти азалдан халқимизнинг яхши-ёмон кунида, тўй-маъракаларида таянч бўлиб келган. Катта-кичик масалалар, аввало, маҳалла доирасида муҳокама қилиниб, кўпни кўрган, ёши улуғ инсонлар билан бамаслаҳат ҳал этилган. Мустақиллик йилларида ушбу институтнинг мақоми янада кенгайтирилиб, унга кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилди. Маҳаллалар ҳузуридаги яраштириш комиссиялари оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилалардаги соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Шу боис ЎзМТДП фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасида белгилаб қўйилаётган қоидаларни жуда муҳим ва долзарб, деб ҳисоблайди. Қолаверса, бу ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига мос ва ҳамоҳанг. ЎзМТДП сайловолди Платформасида маҳалланинг, айниқса, эзгу урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдаги фаолияти самарадорлигини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, оила, турмуш манбаида туғиладиган турли низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партиямиз ҳар қандай низони халқимизга хос оғир-вазминлик ва чуқур мулоҳаза билан ҳал этиш, муроса йўлини излаш, фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш мақсадини илгари суради. Фракция аъзолари юқоридаги қонун лойиҳасида назарда тутилаётган қоидалар партия дастурий мақсадларига тўла мос келади, деб ҳисоблайди.

— Маҳалла, хусусан, яраштириш комиссиялари аралашуви билан битта оилани сақлаб қолишга эришилса ҳам бу — катта ютуқ, шунинг учун бу бордаги қонунчилик ташаббусини тўла қўллаб-қувватлашимиз лозим, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жамила Ниёзова. — ЎзХДП фракцияси аъзосининг ушбу қоида шахсий ҳуқуқлар чекланишига олиб келади, деган фикрига қўшилмаймиз. Зеро, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари дахлсизлиги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Судлар ва ФҲДЁ органларининг маҳаллалар ҳузуридаги яраштириш комиссияларини хабардор қилиши шахсий ҳуқуқларни чекламайди. Бунда фақатгина тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисидаги намунавий низомга муайян маълумотлар махфийлигини сақлаш бўйича қоидани киритишнинг ўзи кифоя. Маҳалла дунёда муқобили бўлмаган ноёб институт сифатида халқимизнинг энг биринчи таянчи ва кўмакчисидир. Оилалар мустаҳкамлигини сақлашда уларнинг ўрни ва иштироки муҳим. Шу боис Оила кодексига киритилаётган мазкур қўшимча маҳалланинг мустаҳкам оилалар сонини кўпайтиришдаги ўрни ва мавқеини янада оширади.

Қизғин ва конструктив баҳс-мунозара асосида муҳокама қилинган қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида иккинчи ўқишда қабул қилинди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши партия дастурий вазифаларига мос равишда оилавий низоларни судгача ҳал этиш тизими ривожланиши, оилаларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фракция позицияси

ЭНДИ ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ОЛИШ МУМКИН БЎЛАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Алишер ҲАМРОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Қуйи палата йиғилишида иккинчи ўқишда муҳокама қилинган "Формали кийим-бошларни тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизми тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг махсус кийим-бош формасини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тасдиқланган намунадаги формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларнинг кийиб юрганлиги учун жарима, маъмурий ва бошқа таъсир чораларини назарда тутади. Ушбу турдаги ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, формали кийим-бошнинг бир қисмини кийиб юриш жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Қонунга хилоф равишда тўлиқ кийиб юрганлик учун эса жарима ёхуд таъсир чоралари қўлланилади. Фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Акмал ЖУМАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлда депутатлар, сенаторлар ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда халқ вакилларининг ўрни ва мавқеини юксалтиришга алоҳида тўхталиб, "Депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар бир мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради", деган эди. Бугунги мажлисда депутатлар Президентимизнинг ушбу ташаббуси асосида парламент ва депутатлик назорати соҳасидаги жавобгарликни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу ўзгартиш давлат органлари томонидан депутатлик сўровларининг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишига хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузганлик учун жавобгарлик мавжуд. Аммо бунда мансабдор шахснинг депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб бермагани ёки муддатни бузган ҳолда жавоб бергани учун жавобгарлик аниқ ифодаланмаган эди.

Фракциямиз аъзолари ушбу қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Чунки фаолиятимиз давомида айрим ташкилот ва идоралар вакилларининг партиямиз дастурий вазифалари, электоратимиз манфаатлари ҳимояси, аҳоли мурожаатлари юзасидан юборган депутатлик сўровларимизга ўз вақтида ёхуд аниқ жавоб бермаган ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Шу боис фракциямиз ўз саъй-ҳаракатлари самарадорлигида, депутатлик назоратини сифатли амалга оширишда мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган меъёрлар айни муддао, деб ҳисоблайди.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Мажлисда кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалари киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноий, Фуқаролик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Амалдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ одам савдоси қурбонлари мажбур қилиш ёки таҳдид остида содир этилган қилмишлари учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади. Аммо ушбу меъёрни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд эмас эди. Қонун лойиҳаси ушбу камчиликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, у давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП дастурий вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, инсон ҳуқуқларининг кафолати ва ҳимояси, бағрикенглик ва инсонийлик хусусиятлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис фракциямиз аъзолари қуйи палата мажлисида мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Сиддиқ НАМОЗОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



— Фракциямиз аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳам фаол иштирок этди. Амалдаги меъёрга кўра, Марказий банк бошқа банкларга ўзи белгилаган тартиб, шарт ва гаров воситалари асосида кредит тақсимлар эди. Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасига мувофиқ энди Марказий банкка бошқа банкларга ўзи белгилаган тартиб ва шартлар асосида қисқа муддатли гаровсиз кредитлар ажратиш ҳуқуқи берилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида Марказий банкка тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш ва ликвидлигини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, аҳолининг кредит олиш билан боғлиқ муаммолари бартараф этилади. Чунки жойларда аҳоли билан мулоқотларимиз давомида кўпчилик гаров воситалари бўлмаганлиги боис кредит ололмаётгани ҳақида мурожаат қилмоқда. Эндиликда ана шундай муаммоларнинг олди олинади. Бу, ўз навбатида, партиямиз электорати бўлган ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Фракция фаолияти

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ КУРАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИ

Аждодларининг ҳаёт ва тафаккур йўлини муносиб давом эттирган халқнинг тадбири тақдирига мос келади, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. Буни халқимиз маънавиятининг ноёб дурдонаси — инсон ва табиат уйғунлиги, умид ва ишонч, ор-номус, ғурур, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат фалсафаси — ўзбек кураши давраларининг кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Асрлар давомида йигитларни мардлик, ҳалоллик, ватанпарварлик ва жасорат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келган ўзбек кураши истиқлол йилларида ўзининг янги ривожланиш босқичини бошлади — миллий курашимиз халқаро спорт турига айланди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг 2 октябрь куни қабул қилинган "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори курашни янада ривожлантириш ҳамда ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришда долзарб аҳамият касб этади. Ушбу қарор Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ўзбек миллий курашини ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифалари билан ҳамоҳанг эканлиги партия вакилларига ҳам ғурур бағишлади, ҳам масъулият юклади. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида мазкур қарор ижроси юзасидан фракциянинг олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган миллий курашимиз ёшларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб камолга етиши ҳамда маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этади, — деди С.Отамуратов. — Ушбу спорт турида халқимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик, жасурлик сингари хислатлар мужассам. Давлатимиз раҳбарининг кураш миллий спорт турини ривожлантиришга қаратилган қарори аждодларимиздан мерос бу миллий спортимизни ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга, унинг нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади. Қарорда кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Унга кўра, курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида кураш миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман ва шаҳарда эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилиши, кураш йўналиши бўйича олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши ёшлар учун кенг имконият яратади.

Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган кун — 6 сентябрь мамлакатимизда "Кураш" миллий спорт тури куни этиб белгиланди. Айни пайтда фракциямиз аъзолари ташаббуси билан 6 сентябрни "Кураш" миллий спорт тури куни сифатида белгилашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилот ва идораларга тақриз учун юборилди. Фракциямиз аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ушбу қарор мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, ижросини таъминлаш ҳамда парламент назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши лозим.

Кураш миллий спорт турининг нуфузи йилдан-йилга ошиб, "кураш", "ҳалол", "таъзим", "тўхта" ва "ёнбош" каби ўзбекча атамалар нафақат юртимиз, балки дунё спорт майдонларида янграмоқда. Бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кураш бўйича 500 дан ортиқ халқаро турнир ўтказилгани, яқинда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида кураш тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилгани ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Фракция аъзолари Президентимиз қарорида кўзда тутилган барча чора-тадбирлар курашнинг янада ривожланиши ва оммалашишида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар. Ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари билан ҳамкорликда қарорнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш, бунда парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда қайд этилган таклифлар асосида ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Шунингдек, фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Назир СОБИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Миллий кураш спорт тури ўсиб келаётган авлодда юксак ифтихор, ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди, уларни мардликка, жасоратга ундайди. Соҳибқирон Амир Темур даврида кураш аскарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини оширишнинг асосий усулларидан бири бўлган. Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Дарвешмуҳаммад сингари баҳодирлар кураш орқали бутун дунёга танилган. Давлатимиз раҳбарининг "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур спорт турининг мавқеини янада оширишда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадини илгари суради, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. Дастурий мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг бўлган мазкур қарор ижросида янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим. Шу маънода фракциямиз бир гуруҳ аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб ишлаб чиққан қонун лойиҳаси қарорда кўзда тутилган 6 сентябрни "Кураш" миллий спорт тури куни сифатида белгилашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарама КОМИЛОВА тайёрлади.

Сайёр қабул

АКСАРИЯТ МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари жойларда ўтказаётган сайёр қабуллар халқимизнинг мурожаатларини тинглаш, мавжуд масала ва муаммоларни ўрганиш ва уларни ечишга яқиндан кўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда.

Наманган. ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Косонсой туманидаги Чиндовул, Ширинбулоқ, Чўнгбоши, Учқўрғон маҳаллаларида ўтказган сайёр қабулларда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, вилоят ва туман партия ташкилотлари ходимлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари аҳоли билан юзма-юз, очиқ мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларига ечим излади.

Очиқ ва самимий мулоқотда фуқароларнинг ўнлаб таклиф ва мурожаатлари кўриб чиқилди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти ўз жойида ечим топди. Қолган мурожаатлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Чўнгбоши маҳалласида яшовчи Тоиржон Мамашаевнинг мурожаатида ҳудуд аҳолисининг манфаати ифодаланган. Унинг айтишича, илгари вилоят марказидан туманга автобуслар қатнаб, йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб турган. Бироқ айни пайтда автобуслар ҳаракати тўхтатиб қўйилган. Бу, айниқса, кексалар, аёллар, ўқувчи ва талаба ёшлар учун бир қатор қийинчиликларни юзага чиқармоқда. У ушбу йўналиш бўйича автобус қатновини қайта йўлга қўйишда амалий ёрдам сўради.

Мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мансурхон Холдоров ва туман партия ташкилоти раиси Абдусаттор Қаххоровнинг ташаббуси билан қисқа фурсат ичида ижобий ҳал қилинди. Айни кунларда "Турон-95 М.Б.И" масъулияти чекланган жамияти автокорхонаси "Наманган-Косонсой" йўналиши бўйлаб аҳолига яна хизмат кўрсата бошлади.

"Учқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасанбой Аҳмедов сайёр қабулда "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Косонсой тумани филиали бошлиғига юборилган депутатлик сўровидан сўнг ҳудудда истиқомат қилувчи 7 оилани суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш борасидаги муаммолар бартараф этилганини таъкидлади.

Чўнгбоши маҳалласида жойлашган 30-мактабгача таълим муассасаси мудираси Нозима Исмоилова ўзи раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида ичимлик суви муаммо бўлиб келаётганини айтди. Мавжуд насос 200 метр ер қаридан ичимлик сувини тортишга мўлжалланган. Бироқ бунинг учун электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши керак. Қолаверса, унга электр ҳисоблагич ҳам ўрнатиш зарур. Мазкур мурожаатга ижобий ечим топиш мақсадида мутасадди ташкилот раҳбарларига депутатлик сўрови жўнатиладиган бўлди.

Самарқанд. Партия ташкилотларининг сайёр қабулларидан бири Булунғур тумани Олмазор қишлоғидаги "Нурли йўл" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Аҳоли билан кечган самимий мулоқот давомида фуқаролар кундалик турмушида кузатилаётган мавжуд муаммоларни очиқ-ойдин баён этиб, уларнинг ечими юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Мурожаатларнинг аксарияти қишлоқ ҳудудида болалар учун спорт майдончалари, аҳоли учун маданий ҳордиқ чиқарадиган масканлар барпо этиш, мавжуд йўлларни таъмирлаш, янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ масалалардан иборат.

— Қишлоғимиздаги "Қўчқор ота" қабристонига элтувчи 1,5 километр йўл носоз бўлгани боис одамлар анча қийинчиликларга дуч келмоқда, бугунги сайёр қабулда ушбу йўлни таъмирлашда амалий кўмак беришларини сўраб мурожаат қилдим, — дейди Худойқул Ғаффоров. — Мурожаатим инобатга олиниб, тез орада мазкур йўл таъмирланадиган бўлди.

Сайёр қабулда фуқаро Гулсара Холбоева қишлоқ ҳудудида жойлашган мактаб олдидан ўтган йўлда болалар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳайдовчиларни огоҳлантирувчи махсус йўл белгилари ҳамда пиёдалар ўтиш йўлаги ўрнатиш таклифини билдирди. Мазкур мурожаат ҳам ижобий ечим топди.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши фаоллари иштирокидаги чекка ҳудудлардан ҳисобланган Қўшработ туманида ташкил этган сайёр қабулда ҳам фуқаролар фаол иштирок этди. Унда Майинтепа маҳалласи фуқароларининг мурожаати тингланди.

Хусусан, сайёр қабулда фуқаро Аҳмад Эшонқулов ҳудуддаги Саноат ва сервис хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаётган ёшлар бандлигини таъминлаш, Эгамберди Қурбонов ички йўллардаги мавжуд носозликларни бартараф этиш, Номоз Бойматов аҳолига ўз вақтида суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш, Гулсара Шакарова йўл ўтказиш кўпригини таъмирлашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди, қолганлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Мухтасар айтганда, бу каби сайёр қабуллар ЎзМТДП ташкилотлари зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Мурожаатлар асосида қайси соҳада қандай муаммолар борлиги аниқланмоқда. Энг муҳими, ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари шаҳар ва туманлар, олис ва чекка қишлоқларда халқимиз билан ўтказаётган бундай сайёр қабуллар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бирга, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига ҳам хизмат қилмоқда.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Фаолиятга таҳлилий назар

Қайси мамлакатда одамлар тинч-осойишта, тўкин ва фаровон ҳаёт кечириб, ўз ҳаётидан рози яшаса, ўша заминда ўтаётган ҳар бир кун мазмунли, аҳолининг бугунидан кўнгли тўқ, эртасидан умиди катта бўлади. Бу ҳолат психология фанида "ижтимоий кайфият" деб аталади. Аҳолининг ижтимоий кайфияти оиласи, ўқиши ва иш жойи, айниқса, эҳтиёжларининг қай даражада таъминлангани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда жамиятнинг ҳал қилувчи кучи, эртанги куни эгалари бўлган ёшларнинг ижтимоий кайфиятини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БЕФАРҚ ЭМАС

ЎзМТДП ЎТКАЗГАН ИЖТИМОИЙ СЎРОВ НАВҚИРОН АВЛОД СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ АНИҚЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ўтказган тадқиқоти бугунги кун ёшларининг ижтимоий кайфияти, ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини аниқлаш, бу борадаги камчилик ва муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топишга кўмаклашишга қаратилди. Сўровда, асосан, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди. Талаба-ёшларнинг 60,04 фоизи йигитлар, 39,96 фоизи қизлардан иборат бўлди.

— Ушбу тадқиқотдан асосий мақсад — талаба-ёшларнинг мамлакатимизда кечаётган бугунги сиёсий жараёнлар, мавжуд сиёсий партиялар ҳамда депутатлар фаолияти, ижтимоий муаммоларга нисбатан муносабатларини аниқлашдан иборат, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Шаҳноза Султонова. — Тадқиқот натижасига кўра, 80 фоизга яқин талаба-ёшлар ўзларининг ижтимоий кайфиятини ижобий баҳолади, қолган респондентлар эса "ўрта", "паст", "жавоб беришим қийин", деб жавоб берди. Олинган натижа сўровда қатнашган респондентларнинг катта қисмининг ижтимоий кайфияти яхши эканлигини кўрсатди. Бу жуда муҳим хулоса. Боиси аҳоли, айниқса, навқирон авлоднинг ижтимоий-психологик кайфияти жамият барқарорлигининг муҳим омили саналади.

Тадқиқотдаги кейинги масала талабаларнинг ўзи таҳсил олаётган олий таълим муассасидан қониқиш даражасини аниқлашга қаратилган бўлиб, олинган натижаларга кўра, талаба-ёшларнинг 50 фоизга яқини ўз таълим муассасасидан тўла қониқади, 40,93 фоизи "қониқаман, лекин ҳар доим эмас", деган жавобни берди. Респондентларнинг 13 фоизи таълим муассасасидан унчалик кўнгли тўлмаслигини айтган бўлса, 3 фоиздан кўпроқ ёшлар умуман қониқмаслигини билдирган.

Бу мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими ҳам шакл, ҳам мазмунан янгича, замон талаблари асосида ривожланаётгани, талаба-ёшларнинг дунёқараши кенгайиб, дунё андозалари даражасида билим олаётганидан далолат беради.

Респондентлардан таълим муассасасини битирганидан кейин ўз мутахассислиги бўйича ишлаб кета олиши ҳақида сўралганда, уларнинг 71,53 фоизи "ҳа", 10,32 фоизи "йўқ", 18,15 фоизи "жавоб беришим қийин", деган хулосани билдирган. Саволга "йўқ" ва "жавоб беришим қийин" деб жавоб берганлардан тўлақонли ишлаб кетолмаслигининг сабаби сўралганда олий таълим муассасасида олган билими етарли эмаслиги, касби бўйича ишга киришдаги сунъий тўсиқлар, таниш-билишчилик, танлаган соҳаси бўйича иш топиш қийинлиги, мутахассислиги бўйича ишнинг мураккаблиги ва нозиклиги, касб бўйича тўланадиган иш ҳақининг пастлиги каби сабабларни келтирган.

Респондентларнинг ушбу фикрлари мамлакатимиз таълим тизимида янгиланиш ва ривожланиш билан бирга ҳали талай муаммолар ҳам борлигини кўрсатди. Айрим респондентлар талабаларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиши анча қийин эканлигини айтишган. Чунки иш берувчилар аксарият ҳолда эндигина ўқишни битирган, ҳали муайян тажрибага эга бўлмаган ёш мутахассисни ишга олишни хоҳламайди. Шу боис таълим жараёнида амалиётга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади.

Тадқиқотимизда респондентлардан сиёсат ва сиёсий жараёнларга қизиқиши сўралганда, 75,80 фоизи "ҳа", 15,66 фоизи "йўқ", 8,57 фоизи "жавоб беришим қийин", деб жавоб берган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолиятидан хабардорлиги сўралганда, аксарият ёшлар хабардор эканини билдирган.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар талаба-ёшларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Юқоридаги жавоблар уларнинг сиёсатга қизиқиши, сиёсий партиялар фаолиятидан хабардорлиги нисбатан юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Олинган жавобларда ҳар бир партиянинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиши, жамиятдаги долзарб муаммолар ечимига ўз ҳиссасини қўша олиши, ўз дастурий мақсадларини замон билан уйғунлаштириши, фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлиги ифода этилган. Сўровнома иштирокчилари сиёсий партиялар инсон эҳтиёж ва талабларини яхши билиши, чуқур ўрганиши, сиёсий воқеаларни мустақил баҳолай олиши, унга нисбатан ўз позициясига эга бўлиши, тезкор қарорлар қабул қилиши, ёшлар муаммоларига бефарқ бўлмаслигини алоҳида таъкидлашган.

Кўриниб турибдики, ёшларимиз бугунги сиёсий жараёнлар, партиялар фаолиятига бефарқ эмас. Бироқ улардан сиёсий партияларнинг лойиҳасида иштирок этганмисиз, деб сўралганда, 85,40 фоиз респондент "йўқ" деб жавоб берган. Бу кўрсаткич, сиёсий партиялар ўз фаолиятига қизиқиш билдираётган, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр ёшлар қатламини ўз сафига жалб қила олишда сусткашликка йўл қўяётганидан далолат беради. Зеро, ҳар қандай мамлакат ривожи навқирон авлодни янги ғоялар ортидан эргаштира олиш, уларни жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиши билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари ҳамда партиялар қошида ташкил этилган "Ёшлар қаноти"нинг фаолиятини янада кучайтириш, 10 миллиондан ортиқ мамлакатимиз ёшларининг мавжуд ижтимоий муаммоларини ҳал этиш унинг муҳим ўрин тутиши лозим эканлигини таъкидлагани бежиз эмас. Яъни, сиёсий партиялар, аввало, истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш учун мактаб вазифасини ўташи, шу билан бирга, уюшмаган ёшлар борасида туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши, ёшлар жамиятда муносиб ўрин топишида кўмаклашиши лозим.

Талаба-ёшлардан ўзининг яшаб турган ҳудудидан сайланган депутатларни танийсизми, деб сўралганда, 58,01 фоизи "ҳа", 33,45 фоизи "йўқ", деган жавобни берган бўлса, 8,54 фоизи жавоб беришга қийналган. Депутатлар фаолиятидан қай даражада қониқиши сўралганда, респондентларнинг жуда оз қисми қисми тўла қониқишини билдирган. Уларга бирор-бир масалада мурожаат қилганликлари ҳақида сўралганда, аксарият иштирокчилар "йўқ" жавобини берган.

Бундан кўриниб турибдики, талаба-ёшлар ҳудудларидан сайланган депутатларни гарчи билишса-да, лекин уларга бирор бир масалада мурожаат қилмаган.

— Ҳар бир депутат ўз электоратининг ўй-ташвишларини билиши, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, халққа берган ваъдаларининг устидан чиқиши лозим, — дейди Жиззах политехника институти талабаси Чарос Мирзаева. — Фуқаро аҳоли ичида ишонч қозонган депутатгагина мурожаат қилади. Депутатнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки фаолиятнинг фақат бир қисми. Депутат аҳоли билан мунтазам ва фаол муносабатда бўлиши лозим. Зеро, бу депутат фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезони саналади. Тўғри, бугун халқ вакиллари аҳоли орасига кириб бориб, учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказмоқда. Бу қабулларнинг кўлами янада кенгайса, аҳоли депутат ва сиёсий партияга ишонч билдириб, хайрихоҳлик билдиради. ЎзМТДП ўтказган ижтимоий сўровда иштирок этиб, сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятига холис фикр билдирган тенгдошларим қатори ўз таклифларимизнинг амалда ижобат бўлишини истардик.

Дарвоқе, ёшлар сиёсий партиялар фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир ўз таклифларини баён этди. Сиёсий партиялар фаолиятини ОАВда мунтазам ёритиб бориш, ёшлар билан партия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва уларни партия фаолиятига жалб этиш, аҳоли ҳар бир партиянинг позициясини аниқ билиши ва бир-биридан ажрата олиши, депутатларнинг жамоатчилик билан алоқасини кучайтириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш — ана шулар жумласидандир.

Респондентлар, шунингдек, сиёсий партиялар самарасиз тадбирларга чек қўйиши лозим, деб ҳисоблайди. Бунинг ўрнига янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, хориж тажрибасидан келиб чиқиб ўз имиджини яратиш, битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, олий таълим муассасасидан иқтидорли кадрларни танлаб олиш, таълим жараёнида сиёсатшунослик фанида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида чуқурроқ билим бериб боришни жорий этиш, партиялар қошида сиёсий ўқувлар ташкил этиш, халқ билан мулоқотни кўпайтириш, дастурий вазифаларни халқ ҳаётига яқинлаштириш, туман депутатлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш лозимлиги ҳақида ҳам қатор таклиф билдирган.

Ўтказилган тадқиқот талаба-ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятига қизиқиши юқорилиги, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ эмасликларини яққол намоён этди. Юрагида ёшлик шижоати жўш ураётган навқирон авлоднинг ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги очиқ ва холис фикри сиёсий партиялар фаолияти давомида қўллаш учун янги ғояларни тақдим этиши, шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мазкур ижтимоий сўровномани ўтказишдан асосий мақсади ҳам аслида шу эди. Тадқиқот натижалари ЎзМТДП экспертлари томонидан пухта ўрганилиб, таҳлил қилиниб, олинган таклиф, фикр-мулоҳазалар фаолият давомида татбиқ этилади.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўрик-танлов

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ — ҲАЁТБАХШ МАНБА

Айни кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган мактаб ўқувчилари билим ва маҳоратини синовдан ўтказмоқда.

Бухоро. Алишер Навоий адабий мероси — бебаҳо маънавий хазина. Буюк мутафаккирнинг беназир шахси ҳамиша эъзоз ва эътиборда. "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичида буюк аждодимизга ана шундай муносабат ёрқин намоён бўлди. Партия вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси, Бухоро давлат университети ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аввалида буюк мутафаккирнинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарларини мутолаа қилиш ёш авлод қалбида Ватанни, миллий қадриятларимизни улуғлаш туйғусини янада кучайтириши ва уларни ҳар томонлама этук инсонлар етиб тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

— Алишер Навоий ижоди инсониятни ҳамиша камолотга ундайдиган, замонлар оша ҳам бадиий, ҳам тарбиявий қиймати ва долзарблигини йўқотмайдиган бебаҳо меросдир, — деди партия вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев. — Бугун дунёнинг турли нуқталарида ахборот хуружлари авж олаётган бир пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқараши, билим ва тафаккурини бойитишда адабиётимизнинг нодир намуналаридан янада унумли фойдаланиш зарур. Партиямизнинг "Навоий ворислари" республика кўрик-танлови улуғ шоир ижодини теран ўрганиш, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини, интеллектуал салоҳияти ҳамда маънавиятини юксалтириш, устоз-шогирд анъанасини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловда иштирокчилар тўрт шарт — энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални бехато ва ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баёнини яратиш, ундаги сўзлар мазмун-моҳиятини изоҳлаб бериш каби шартлар бўйича баҳслашди. Буюк шоирнинг "Эл нетиб топқай мени...", "Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била...", "Ахтарин ашк эттию совуқ нафасни оҳ субҳ...", "Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил..." мисралари билан бошланувчи ғазаллари ёд айтилди. Уларнинг шарҳи, насрий баёни, ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзлар изоҳланди. Кўрик-танлов ғазалхонлик, шеърхонлик кечасига айланди.

— Китоб — энг яқин ҳамроҳимиз, мутолаа ҳар кунги юмушимиз бўлиши лозим, — дейди Шофиркон туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зарина Маҳмудова. — Мутафаккир шоир илгари сурган юксак ғоялар ўзликни англаш, шахс ахлоқи ва камолотига хизмат қилар экан, ул зотнинг асарларини ўқиб-ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш барча замонларда ҳам ғоят муҳим масала бўлиб қолаверади.



Дарҳақиқат, Навоий асарларида миллий маънавий қадриятлар, Ватанга, юртга садоқат ва фидойилик, меҳр-муҳаббат, мардлик ва инсонийлик хислатлари тараннум этилади, тарғиб қилинади. Бу каби кўрик-танловлар эса ёшларнинг билимини бойитади, уларни бир-бирлари билан ҳамфикр бўлишга, дўстлашишга, аҳилликка ундайди. Зеро, аҳиллик халқимизни осойишталиги ва ёш авлодни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Буюк сўз санъаткорининг адабиётимиз равнақига қўшган беқиёс ҳиссаси, қорақалпоқ адабиёти ривожига таъсири хусусида ҳам сўз юритилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари дастлаб ўзбек ва қорақалпоқ тилларида шоир ижодидан намуналар ўқиди.

— Миллий адабиётимизнинг буюк намоёндаси, миллатимиз ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган Алишер Навоий ижодини, у қолдирган бой адабий меросни ўқиб-ўрганиш, ёшлар қалбига теран сингдириб бориш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танловни ёшлар катта қизиқиш билан кутиб олди, — дейди Элликқалъа туманидаги 50-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гавҳар Матяқубова. — Мактаб ўқувчиларининг Алишер Навоий маънавий мероси — ғазаллари, шеърларидан намуналар, достонларидан парчалар ижро этиши уларда адабиётга меҳр, она тилимизни мукаммал билишга бўлган қизиқишни янада кучайтириши шубҳасиз.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий ғурур ва аждодлардан фахрланиш, ўзликни англаш туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз бардавомлигини сақлашни ўзининг дастурий вазифаларидан деб билади. Жаҳон тамаддуни, миллий маданият ва маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этган буюк ижодкор, шеърият мулки султони Алишер Навоий ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш ЎзМТДП ташкилотлари ва фаолларининг вазифасига айланмоғи лозим.

Танлов давомида ўқувчилар томонидан буюк шоир ғазаллари билан куйланган қўшиқлар кечага янада завқ бағишлади.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Элликқалъа туманидаги 50-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Муҳайё Шарипова барча шартлар бўйича ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Ойдин НАСРИДДИНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат нигоҳи

ДАБДАБАЛИ ТЎЙ-МАЪРАКАЛАРДАН МУДДАО НИМА?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДП ГУРУҲИ БУ БОРАДА ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ БИЛДИРДИ

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадрият ва анъаналари мавжуд. Улар ўша халқнинг маълум маънода ўзлиги — миллийлигини англатади. Лекин улар миллат ривожига ҳисса қўшиши, аксинча, оёвга тушов бўлмаслиги керак. Бироқ бугунги кунда айрим дабдабали тўй ва маросимларимиз оқибатида кўплаб кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй бераётгани сир эмас. Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Ойна" журналида эълон қилинган "Бизни кемиргувчи иллатлар" сарлавҳали мақоласида тўй ва маросимлардаги дабдабабозлик иллатларини кескин танқид қилган бўлса-да, мана, орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтибдики, бу масала ҳали ҳануз кун тартибидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, тўй-маъракаларда дабдабабозликка йўл қўймаслик масаласини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиб келмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг 21 июль куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг сессиясида партия гуруҳимиз ташаббуси билан мазкур масала муҳокама этилиб, қабул қилинган қарорда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабабозликларга чек қўйиш борасида аниқ вазифалар белгиланган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ жамоатчилик назорати бу йўналишда анча сусайиб қолгани ҳам яққол кўриниб қолди. Назоратнинг тўла-тўкис амалга оширилмаётгани оқибатида ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда.

Шу боис партия гуруҳимиз жорий йил сентябрь ойида бўлиб ўтган вилоят Кенгаши сессиясида яна ушбу масалага қайтиб, мавжуд ҳолат юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Албатта, тўй-маърака — энг хайрли амаллардан. Лекин катта қарз эвазига, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар билан қилинган бундай оилавий тадбирлар на қонунларимизга, на урф-одатларимизга мос келади. Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган бир-биридан кўркам ва ҳашаматли тўйхоналарга таклиф этилган меҳмонлар сони айрим ҳолларда 500-600 кишидан ошиб кетаётгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Не-не машаққатлар билан тўпланган оила бюджетини, қийинчилик эвазига топилган маблағни фарзандлари ризқидан қийиб ёки қарз олиб бир кунлик тўйга сарфлаш нақадар тўғри?

Бундан ташқари, тўйхоналардаги аҳвол, санитария ҳолати, хизмат кўрсатаётган официантларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ким кафолат беради? Тиббий кўрикдан ўтмаган ёлланма ишчиларни жалб этиш ҳолатлари турли инфекциялар, касалликлар тарқалишига хавф туғдирмайдими?

2015 йилги сессияда тўйхоналарда 300 нафар-гача меҳмонлар бўлиши кераклиги ҳақида тавсия берилган эди ва бунга бироз муддат риоя ҳам қилинди. Бироқ орадан маълум вақт ўтгач, аҳвол яна "эски тос, эски ҳаммом"лигича қолмоқда.

Вилоятимизда қизларнинг эрта турмушга чиқиш масаласини ҳал қилиш ҳам катта машаққатга айланган. Баъзи оилалар қизларини ўқитиш, ҳаётга тайёрлаш ўрнига тезроқ уларни турмушга бериб, бахтини кўраман, деб бахтсиз қилиб қўяётганидан кўз юмиб бўлмайди. Ёшлар оила деган муқаддас маскан ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмай турмуш қураётгани, ортиқча урф-одатларнинг зиёни кўплаб ажримларга сабаб бўлаётир.

Кейинги пайтда тўйларимизда замонавий эстрада йўналишида ижро этиладиган енгил-елпи қўшиқлар, беўхшов рақслар кўпайиб кетди. Қизиғи, тўйлар пойтахтдан ташриф буюрадиган санъаткорларнинг вақтига қараб белгиланади. Бу ҳам майли, шунча пул сарфлаб олиб келинган қўшиқчи уялмай-нетмай, бемалол фонограмма орқали қўшиқ ижро этаверади. Тўйхонадаги шовқин-сурон, мусиқанинг баландлиги шу атрофдаги хонадонларда истиқомат қилувчи аҳолига ноқулайлик туғдиряпти. Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, баланд товуш инсоннинг нафақат эшитиш, балки асаб тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳар қандай одамни жазавага туширадиган ғарбона оҳанглар ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига салбий таъсир кўрсатади. Саёз қўшиқлар, уларнинг оҳангида беўхшов рақсга тушишлар одатга айланиб боряпти. Тўйда хизмат қиладиган санъаткорларнинг репертуари ва одобини назорат қиладиган фурсат етган кўринади.

Яна бир муҳим масала: тўй-маросимларда хизмат қилаётган қимматбаҳо автомашиналар фаолиятини тартибга солиш зарур. Сир эмас, ёшлар тўй маросимларда бу каби автомобилларда шаҳар бўйлаб юришни одат тусига айлантирди. Ушбу автомобилларнинг кунлик ёки соатбай нархи ҳеч кимга сир эмас. Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати томонидан бир қатор рейдлар ўтказилишига қарамай, турнақатор машиналарнинг шаҳар кўчаларида юриши ва бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳалал бераётганлиги айрим ҳолларда эса йўл ҳаракати билан боғлиқ бахтсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Транспорт харажатлари ва машиналар сони ортиб бораётганига ҳанузгача чек қўйилмаган.

Тўйдан олдин келин-куёвларнинг тоғу тошларда, ҳатто кўшни вилоятларга бориб, расм ва видео тасвирга тушишлари ҳам, минг афсуски, "анъана" тусига кирмоқда. Замонавий тилда "love story" деб аталадиган ушбу маросим учун камида 15-16 миллион сўм сарфланмоқда. Яқинда вилоятимизда ана шундай фотосессия пайтида — тўйга саноқли соат қолганда, келинни заҳарли ҳашарот чақиб, ўлимига сабаб бўлди...

Тўйларнинг ихчам, камхарж ўтиши кўп жиҳатдан ёшларимизга — ёш келин-куёвларнинг ўзига боғлиқ. Бу йўналишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши билан ҳам тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида таъсирчан воситаларимиз орқали тушунтириш ишларини олиб боришимиз зарур. Бундан ташқари, тўйлардаги дабдаба-ю исрофгарчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш барчамизнинг ишимиз. Вилоятимизда қатор жамоат ташкилотлари, юзлаб маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уларнинг маслаҳатчилари, имом-хатиблар, биз халқ вакиллари бир тану бир жон бўлиб, бундай исрофгарчиликларга қарши курашишимиз лозим.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган сессиясида партия гуруҳимизнинг тўйларни ихчамлаштириш мақсадидаги ўрганишлари қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Гуруҳимиз аъзолари ўрганишлар ҳамда фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари сурди: тўй-ҳашам, оилавий тадбир ва бошқа маросимлар ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан Жамоатчилик кенгашини тузиш лозим. Тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш бўйича жамоатчилик фикрини инобатга олмайдиган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғинларига таклиф этиб, одамлар орасида муҳокама этиш, таъсир чораларини кўриш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Барча ресторан ва тўйхона эгалари томонидан тўй ва маросимларда фуқаролар ҳаётига хавф солувчи пиротехникадан фойдаланмаслик ҳамда тўйхона атрофида яшовчи аҳолининг тинчини бузмаслик учун ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Партия гуруҳимизнинг ташаббуси ва ушбу таклифлари юртимизда тўй-маъракаларни тартибга солиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз. Ушбу йўналишда жамоатчилик ва депутатлик назоратини мунтазам олиб борар эканмиз, мавжуд долзарб масалаларга турли ташкилотлар билан биргаликда тез, ўз вақтида, оқилона ечим топиш жамиятимиз равнақига, оилалар тотувлиги ва ёшларимиз бахт-саодатига хизмат қилади.

Баҳодир ШАРОПОВ,
Зебинисо ШОДИЕВА,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар

Маҳаллий Кенгашларда

СЕССИЯ ҚАРОРИ ИЖРО ЭТИЛМАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Тарихий обида ва ёдгорликлар юртимизда туризмни ривожлантиришда муҳим омил саналади. Бу эса мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, аждодларимиз меросини кўз қорачиғидек асрашимизни тақозо этади, — **дейди халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ўткир Жумаев.** — Партия гуруҳимиз ЎзМТДПнинг бу борадаги вазифаларидан келиб чиқиб, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи билан биргаликда туманимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганди. Туманда 2 маданий мерос объекти — Қоровулбозор ва Бўзачи сардобалари давлат муҳофазасига олинган. Ўрганиш давомида уларнинг ҳар иккиси ҳам кадастр рўйхатидан ўтказилмагани аниқланди. Улар автомагистрал йўл ёқасида жойлашгани туфайли оғир юкли транспорт воситалари қатнови натижасида сардобага зарар етмоқда. Тупроқнинг шўрланиши оқибатида объектларнинг ҳолати ёмонлашиб бормоқда.

Туман ҳокимлиги сардобани сақлаш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиққан бўлса-да, лекин самара бермаяпти. Тўғри, тегишли мутасаддилар ҳамкорлигида обидалар атрофини ободонлаштириш, турли мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиш ишлари олиб борилган. Шўрланишнинг олдини олиш мақсадида сардобанинг орқа томонидан заҳкаш қазилган. Аммо бу ишларнинг етарли эмаслиги уни харобага айлантирган. Аслида бугунги кунгача етиб келган сардобалар бизга тарихнинг ноёти. Бу ноёб ва нодир ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга безавол етказиш, ўрганиш ва тадқиқ этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Депутатнинг фикр-мулоҳазаларидан сўнг сардобалар тарихи билан қизиқдик. Қадимда аждодларимиз қор, ёмғир ёки оқар сувларни олдиндан тайёрланган, усти ёпиқ ва иҳоталанган махсус қурилмалар — сардобаларда тўплашган. Бу сўз форс-тожик тилидан олинган бўлиб, "совуқ сув" деган маънони англатади. У ичимлик суви танқис бўлган жойлар, катта карвон йўлларида усти гумбаз билан ёпилган, иҳоталанган ҳовуз шаклида бунёд этилган. Табиийки, атрофи ўралган бундай иншоот сувни узоқ вақт сифатли сақлашга хизмат қилган. Буюк ипак йўлининг аксарият қисми Ўрта Осиёнинг белоён чўл-саҳроларига тўғри келгани, ер ости сувларининг шўрлиги, қудуқларнинг кўмилиб кетиши ва қуриб қолиши туфайли йўловчилар сув танқислиги муаммосини ҳал қилишда асосан сардобалардан фойдаланган. Сардобани бизнинг минтақада сув нақадар қадр-қимматга эга бўлганини англатувчи, эслатиб турувчи обида дейиш, мумкин.

Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннаҳр ҳудудида 44 сардоба бўлган. Улар асосан XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II даврида қурилган. Қоровулбозор туманида 5 сардоба бунёд этилган, лекин уларнинг фақат иккитаси сақланиб қолган. Туман марказида жойлашган Қоровулбозор сардобаси ҳовузининг кенглиги 15 метр. Айлана шаклидаги ҳовуз ва унинг устини ёпиб турувчи гумбазнинг бир нечта деразасидан ташқари, сув тушиши учун мўлжалланган махсус тешиклари, тепасида эса доирасимон айлана шаклдаги туйнуги бор. Сардоба яқинида қудуқ бўлиб, ундан чорва молларини суғоришда фойдаланилган. Қоровулбозор сардобасидан 17 километр узоқликда жойлашган Бўзачи сардобаси эса тузилиши жиҳатидан Қоровулбозор сардобасидан анча кичик — диаметри 13 метрга тенг. Унда ҳам дераза ва кириш жойи мавжуд. Айни пайтда унинг ҳовузи кўмиб ташланган. Сардобага ернинг шўрланиши таъсир қилиб, айрим жойлари нураб тушган.

Ўрта асрларда савдогарлар ва йўловчи карвонлар учун ҳаёт-мамот вазифасини ўтаган бу иншоотлар аждодларимиз ақлу заковсидан ёрқин далолат беради. Ёш авлод онгига табиатнинг ноёб неъмати бўлган сувни тежаш, тозалигини сақлаш зарурлигини сингдиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Сардобаларни асл ҳолича сақлаш ва келгуси авлодларга етказишда ЎзМТДП гуруҳининг ташаббуси эътиборга молик.

Мазкур масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида қизғин муҳокама қилинди, ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, мутахассис ва экспертлар тумандаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, келажак авлодларга етказиш борасида ўз таклифларини билдирди. Сардобаларнинг шўрланиши ва емирилишини келтириб чиқараётган ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш лойиҳасини ишлаб чиқиш, обида атрофида дам олиш хиёбони ташкил қилиш, уларга олиб борадиган йўллар бошида лавҳа ўрнатиш каби таклифлар шулар жумласидандир.



Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, тегишли мутасаддилар зиммасига Қоровулбозор туманидаги сардобаларни консервациялаш, таъмирлаш, маданий-тарихий аҳамияти акс этган буклетлар тайёрлаш ва нашр этиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини ошириш, маданий мерос объектларини таъмирловчи реставратор усталарнинг тажрибаси ва меҳнатидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш вазифалари юклатилди. Шунингдек, туман кадастр, кўчмас мулк давлат хизмати бўлимига маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари ва паспортини тайёрлаш ишлари топширилди. Туман ички ишлар бўлимига Қоровулбозор сардобаси ёнидан шаҳар марказига борадиган йўлдан автотранспорт воситалари, айниқса, оғир техника воситаларининг ҳаракатланиши тўхтатилишига эришиш чораларини кўриш топширилди. Қарорда ушбу объектларни муҳофаза қилишни молиялаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, ҳомийларни жалб этиш учун солиқ имтиёзлари ва бошқа рағбатлантириш чораларини кўриш вазифаси белгиланди. Шунингдек, маданий мерос объектларини асраб-авайлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, улар ҳақида ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, Бухоро-Қоровулбозор сардобаси йўналиши бўйича туристик маршрутни ривожлантириш, Қоровулбозор сардобаси атрофини кечки ёритиш тизими билан тўлиқ таъминлаш каби вазифалар юклатилди.

Мазкур сессия шу йилнинг май ойида бўлиб ўтгани, унда аниқ вазифа ва чора-тадбирлар белгиланганини инобатга олиб, айни вақтга қадар қандай амалий ишлар қилингани билан қизиқдик. Партия гуруҳи аъзолари ўтган давр мобайнида қарор ижросини ўрганиш юзасидан депутатлик назоратини амалга ошириб, тегишли мутасаддиларга депутатлик сўрови юборган. Аммо... депутатларнинг саъй-ҳаракати қоғозда қолиб кетгани, бу борада мавжуд камчиликлар бартараф этилмагани ажабланарли. Масъуллар қарорда акс этган вазифаларга панжа орасидан қараётгани ёхуд депутатлар фаолиятига, вакиллик органи қарорига беписанд муносабатда бўлаётганини эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидай депутатларнинг аниқ ташаббус ва саъй-ҳаракатларини биргаликда давом эттириш, ўзи масъул бўлган вазифаларга виждонан ёндашиш тегишли мутасаддилар зиммасидадир. Умид қиламизки, сессия қарори ижроси таъминланиб, тумандаги сардобаларни асл қиёфасига мос тарзда сақлаб қолишга, қадимий Бухоронинг яна бир сайёҳлик манзилига кенг йўл очилишига эришилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутатлик мансаб эмас — масъулият

Ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар натижасида жамиятда адолат таъминланмоқда, аҳоли амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан рози бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Одамлар ҳаётидаги муаммолар барҳам топиб, ҳаётий мувозанат таъминланмоқда.

АМАЛИЙ ИШЛАР ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Мазкур муаммоларнинг барҳам топиши бирдан ёхуд ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Мавжуд масалага мутасаддилар эътибори ва масъуллар аралашувидан сўнг ҳар бир масалада қаланинг учи топилиб, унга "даво" чораси кўрилмоқда. Муҳими, масаланинг моҳиятига, илдизига етиб борилаяпти. Совуққонлик, ўзибўларчилик кайфияти давлат ва халқ иродаси билан парчаланмоқда. Шу билан биргаликда, халқ ишончига номуносиблар фаолиятидан ҳам воз кечиляпти. Жойлардаги сайёр қабуллар, очиқ мулоқот ва учрашувларнинг барчасида аҳолининг каттаю кичик барча муаммоси ўрганилиб, ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Инсонни тинглаш, унинг дардини эшитиш — ижобий фазилат. Бугун барча раҳбар ва масъулларга қўйилаётган талаб ҳам шу — одамларнинг дардига дармон бўлиб, халққа сидқидилдан хизматда бўлиш. Уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, аниқланаётган муаммолар ижро ҳокимияти ва масъул идоралар кўмагида ҳал этилишига эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида оддий одамларнинг дилида, тилида "Иложи бўлар экан-ку, имкони бор экан-а" мазмунидаги гаплар баландроқ айтилмоқда. Бундай сўзлар халқнинг ўзи ишонч билдирган вакиллар — депутатлар ҳақида ҳам айтилаётгани қувонарли, албатта.

Депутатнинг электорат манфаатларини ҳимоя этиши, ўз ўрнида унга ён босиши табиий ҳол. Халқ вакили депутатлик ваколатидан самарали фойдаланиб, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларга одилона ечим топади. Шунинг баробарида эл меҳрига сазовор бўлади.

Тан олиш керак, аввалларидепутат деган номни олиш учун сайлов арафасида югур-югур қилган номзодни сайланганидан сўнг "кундузи чироқ ёқиб ҳам" топиб бўлмасди. Шу боис Президентимиз шу йилнинг 12 июлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида бугунги давр халқ вакилларидан аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиш, унинг ишончини қозониш, жамият ҳаётининг олдинги сафида бўлишини талаб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Миллий парламентимиз ҳамда сиёсий партиялар фаолиятида туб бурилиш ясаган мазкур йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев депутатлик мақоми ҳақида тўхталар экан, "Депутатга беписандлик — халққа беписандликдир" дея баҳо берди. Аҳоли мурожаатлари асосида депутатлик сўровини амалга ошираётган вакилнинг қонуний мақоми қандай эканлигини аниқ кўрсатиб берди. Сир эмаски, якин-якинларгача халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатининг депутатлик сўрови институтидан фойдаланиш самарадорлиги паст, ҳисоботлар қоғозларда бўрттириб кўрсатиларди-ю, амалда депутатнинг ҳамма чақириғига ҳам жавоб қайтарилмасди. Ахир, сўзи ўтмас, электорати олдида боши хам депутатнинг ўз фаолиятидан кўнгли тўлармиди?

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунининг 8-моддаси депутат сўровига бағишланган бўлиб, унда "Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир", дейилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши белгиланган.

— Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис, хусусан, депутатларнинг ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Сайдулла Абдураймов. — Шу ўринда "Ишонч билдирилган халқ вакилининг ўрни қаерда бўлиши керак?", деган ҳақли савол туғилади. Бунга жавобан, айтиш лозимки, албатта, халқнинг ичида, содда қилиб айтганда, одамларнинг юрагидан жой олиши керак. Бугун оғриқли муаммоларимиз ҳақида очиқ сўзлайдиган, уларни биргаликда бартараф этадиган даврда яшаяпмиз. Партиянинг юзи бўлган депутат, бошланғич партия ташкилотлари, етакчи ва фаоллар халқ орасида, уларнинг дарду ташвишлари билан бирга, ҳамнафас бўлишлари лозим. Бу борада бугун вилоятимиздаги барча партия ташкилотлари ва партия гуруҳларимиз биргаликда иш олиб бормоқда.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда аниқ ишларни амалга оширишга интилаётир. Мазкур жараёнда тегишли ижро ҳокимияти ва мутассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда муайян муаммоларни қисқа фурсатларда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Сурхондарё вилоятида шу йилнинг иккинчи чорагида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 120 депутатлик сўровини амалга оширди, уларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Мурожаатлар асосан маиший муаммолар, шунингдек, банкдан кредит олиш ва бандликни таъминлаш масалалари билан боғлиқ. Жумладан, халқ депутатлари Денов туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Зухрахон Қирғизбоева Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Денов туман филиали бошқарувчисига икки нафар коллеж битирувчисига имтиёзли кредит ажратиш юзасидан депутатлик сўрови билан мурожаат қилган. Мазкур сўров асосида Н.Сайфиддинов ва F.Алламуродовга иссиқхона қуриш учун уч йилга имтиёзли равишда кредит ажратилди.

Партия гуруҳи аъзоларидан яна бири Раъно Саломова ҳам икки нафар коллеж битирувчисига имтиёзли кредит ажратиш масаласида "Ипотека банк" АТИБ туман филиалига депутатлик сўрови юборди. Сўров белгиланган муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ечим топди.

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутат Қудрат Асроров жорий йилнинг иккинчи чорагида туман мутасадди ташкилотларига 13 та депутатлик сўрови юборди ва уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ташаббуси билан доимий комиссиялар йиғилишларида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари вакилларининг ўз фаолияти юзасидан ҳисоботлари эшитилмоқда. Мутасаддиларга тегишли вазифалар юклатилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, депутатлик мансаб эмас, балки халқнинг юксак ишончи ва баҳоси эканлигини бугун ҳар бир депутат чуқур англамоғи ва сидқидилдан ҳаракат қилмоғи лозим. Бу борада сурхондарёлик депутатларимиз ҳам янада фаол ва қатъиятли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
42 (474) 2017 йил 11 октябрь, чоршанба

Ижодий учрашув

АСЛ БАХТ КАЛИТИ — КАМТАРЛИК ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИКДА

Ўзбек аёли феноменига хос ибо-ҳаё, назокат ва фасоҳат, ахлоқ-одоб, оилага садоқат, ота-онага ҳурмат...

Биз бу улуғ тушунчалар ҳақида ўйласак, кўз олдимизга, аввало, буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асаридаги Кумуш образи ва бу миллий характерни маромига етказиб ижро қилган Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова гавдаланади. Театр, кино ва телефильмларда қисмати, табиати, ёши бир-биридан фарқли бадиий образларда намоён бўлган актриса томошабин учун ҳақиқий ибо, ҳаё, латофат тимсоли сифатида мангу муҳрланган.



ЎзМТДП Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташкил этаётган анъанавий ижодий учрашувнинг бу галги меҳмони Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова бўлди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бу каби ижодий учрашувлар маданият, санъатимиз дарғалари билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг суҳбатидан бахраманд бўлиш навқирон авлоднинг санъат, маданият, театр, кинога бўлган қизиқишини орттириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда улар тажрибасига таянишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан учрашувида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди, — деди партия етакчиси. — Давлатимиз раҳбари куюнчаклик билан 15-20 йилдан кейин юртимизнинг маданий ривожланиши қандай кечади, бугун биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин, деган саволларга жавоб топиш барчамизни ўйлантириши лозимлигини таъкидлагани партиямиз вакилларини ҳам сергак торттирди, десак хато бўлмайди. Боиси ЎзМТДП мамлакатимизда маънавият ва маданият ривожига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилган. Бу каби ижодий учрашувлар давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш, соҳадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаб, улар ечимини топишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Учрашувда Гулчеҳра Жамилова юртимизда санъат ва маданият соҳасига қаратилаётган эътибор, театр ва кино санъатининг тарихи, бугуни ва келажаги, ўзининг ҳаёт ва ижод йўли, устозлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

— Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилиб, вояга етганман, онам меҳрибон ва самимий, отам жиддий ва қаттиққўл бўлиш билан бирга жуда дилкаш инсон эди, — деди Гулчеҳра Жамилова. — Оилада тўрт фарзанд эдик. Ҳар якшанба отам бизни кинога олиб тушар, кўрган фильмларимизни оила даврасида муҳокама қилар эдик. "Театр микрофон олдида" радиоэшиттириши эса севимли дастурим эди. Унинг ҳар сонини берилиб тинглардим. Кино ва рақсга бўлган қизиқишимни сезган дадам мени Ўзбекистон хореография билим юртига олиб борди. Билим юртида ўқиш билан бирга қўшиқ ва драма тўгаракларига қатнай бошладим. Уйимизда пианино йўқ эди, акам оқ қоғозга чизиб берган пианино расмини столга қўйиб, гўё ҳақиқий пианино чалгандек ноталарни ўргандим. Оила муҳитидаги тартиб-интизом, ота-онамизнинг фарзандларга бўлган эътибори туфайли, ҳаётда баъзан қийинчиликларга учрасак-да, ҳар биримиз ўз касбимизга эга бўлдик.

Шуларни ўйлар эканман, бугунги ёшларга дилдан ҳавас қиламан. Улар учун бугун барча шароит муҳайё. Улардан фақат бу имконият ва шароитдан унумли фойдаланиб, юрт равнақига ҳисса қўшиш талаб этилади.

...Гулчеҳра Жамилова дастлаб, хореография билим юрти, сўнгра ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлади. Ижодий фаолиятини "Баҳор" давлат халқ рақс ансамблида рақҳосаликдан бошлади. Кейинчалик Ўзбек Миллий академик драма театрида фаолият олиб борди. Севимли актрисамиз бугун фарзанду набиралари, шогирдлари эъзозу ардоғида кексалик гаштини сураётир...

— "Ўтган кунлар" фильмини суратга олиш жараёнида ўн беш кунлик фарзандим билан қатнашганман, — деди Г.Жамилова. — Тасвирга олиш жараёнларида ўзига хос қийинчиликлар бўлди. Ўз касбим ва ролимга бўлган меҳр туфайли қийинчиликлар кўзимга кўринмаган. Фильм аслида икки қисмдан иборат бўлиши керак эди. Тақдимот жараёнида жуда кўп саҳналар "қирқиб" ташланганини кўриб, ич-ичимдан эзилганман. У пайтларда кинофильмлар Москвада тасдиқланарди. Ижодий кенгашнинг "қатағонга учраган шахснинг асари икки қисмли фильм бўлиши мумкин эмас", деган хулосаси жонимиздай азиз бўлиб қолган кўплаб саҳналарнинг йўқотиб юборилишига сабаб бўлди.

Бугун ҳеч иккиланмай, мен энг бахтли инсонман, дейишим мумкин. Чунки, ҳақиқатгўй, меҳрибон ота-она қўлида тарбия топдим, камтарин устозлардан билим ва касб сирларини, одамийликни ўргандим. Оилада, устозларимдан ўрганганларим ибрат бўлиб йўлимни равон ва ойдин қилди...

Президентимизнинг мамлакатимиз зиёлилари билан учрашувидаги ҳар бир мулоҳазасини жон қулоғим билан тингладим. Эътибор ва эъзоздан ҳозир кексалик гаштини сураётган биз нафақадаги кино ва театр актёрлари, ниҳоятда рухланиб кетдик. Кекса санъаткорларни ҳам эъзозлаётган давлатимиз раҳбарининг жонкуярлик билан "Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз", деган фикри айни дилимдаги гап бўлди. Қачонки ёшлар ўз касбини севиб, унинг барча қийинчиликларига чидаб, фақат ижод қилса, саҳнада яшаса, камтар ва асосийси, меҳнатсевар бўлса, меҳнатлари ижобати, албатта, бўй кўрсатади. Асл бахт калити — меҳнатсеварликда. Чунки биз инсон меҳнати, унинг қадр-қиммати устувор бўлган юртда яшаяпмиз...

Учрашувда депутатлар, партия фаоллари ва ёшлар устоз санъаткорга ўзларини қизиктирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Самимий суҳбат Гулчеҳра Жамилованинг халқимиз кўнглидан жой олиши, юксак унвонлар билан тақдирланиши ва ўзбек аёли сифатида ҳам оила, ҳам санъатда ўз ўрнини топишининг асл моҳияти унинг камтаринлиги ва меҳнатсеварлигида эканлигини намоён қилди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Форум

Бугун мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, камолоти йўлида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракат келажакка киритилган сармоядир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонида мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий мавқеини ошириш, айниқса, уюшмаган ёшлар билан алоҳида ишлаш тўғрисида қатор вазифалар белгилаб берилди. Ана шу фармонга мувофиқ Республика ёш ижодкорлар кенгаши ҳам ташкил этилган эди.

"МЕН — ЁШЛИКМАН..."

I РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАР ФОРУМИ ИСТЕЪДОДЛИ ҚАЛАМКАШЛАРНИ САРАЛАБ БЕРДИ



Шу йилнинг 6-8 октябрь кунлари Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган I Республика ёш ижодкорлар форуми бўлиб ўтди. Форум мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган 150 дан ортиқ истеъдодли ёшларни бир жойга жамлади, бўлажак шоир-ёзувчиларни кашф этди.

Унинг очилиш маросимида бугун мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялашдек буюк мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.

— Республика ёш ижодкорлар кенгаши гарчи яқинда ташкил этилган бўлсада, ўз бағрига анча истеъдодли ёшларни жамлашга улгурди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Муҳаммад Али. — Кўриб турганимиздек, форумда ёшлик нафаси, иштиёқи, шиддати ва кўнгил олами бўй кўрсатмоқда. Ушбу форум Зомин семинари учун бўлғуси иштирокчиларни саралаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. У ўзининг ижодий муҳити ва аҳамияти билан Зомин, Дўрмон семинарларидан сира қолишмайди.

Форумнинг асосий тадбири доирасида миллий адабиётимиз намоёндалари ёш ижодкорлар билан самимий мулоқот қилиб, наср, назм, таржима, драматургия ва публицистика йўналишлари бўйича турли ижодий учрашувлар, маҳорат дарси, семинар-тренинг ва ўқув машғулотлари ўтказди.

— Форумда Ватанимизнинг барча ҳудудидаги ижодкор ёшларни қамраб олишга ҳаракат қилдик, — дейди Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова. — Келажакда уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни режалаштирганмиз.

Ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилган ўқув машғулотлари барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир давомида доимий равишда истеъдодли ёшларнинг ижод намуналарини чоп этишга кўмаклашиш, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол бўлган иқтидорли ёш ижодкорларга олий таълим муассасаларига кириш учун имтиёз бериш, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш, наср, назм ва таржима йўналишида илмий-методологик қўлланмалар ишлаб чиқиш, Интернет тармоғида ёш ижодкорлар майдонини яратиш, турли кўрик-танлов, фестиваллар ташкил этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Публицистика йўналиши бўйича Навоий вилоятидан келган Дилноза Абдуҳамидова маҳорат дарсларининг юқори савияда ташкил этилгани, бу ерда олган билим ва кўникмалари ўзи меҳнат қилаётган "Зулфияхоним" газетасининг бадиий савияси ошишида муҳим роль ўйнашини таъкидлади.

— Форумда устозлардан ўрганган тажриба ва билимларимизни ўз фаолиятимизда қўллашга ҳаракат қиламиз, — дейди Дилноза. — Унда иштирокчилар ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Бутун республика бўйлаб ташкил этилиши кўзда тутилган онлайн машғулот ҳақидаги таклифимиз устозларимизга ҳам маъқул бўлди ва буни келгусида амалиётга тадбиқ этишга келишиб олдик. Бу таклиф Республика ёш ижодкорлар кенгашининг келгуси иш фолиятини белгилаб беришда муҳим восита сифатида қаралгани бизга жуда манзур бўлди.

Форумда фаол иштирокчилар, "Энг яхши лойиҳа", "Энг чиройли мактуб" каби номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган ёш ижодкорларга сертификатлар ва энг яхши совға — китоблар жамланмаси топширилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

ҲУДУДЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Бошқа соҳаларда бўлгани каби туризм соҳасида ҳам энг катта муаммо — замонавий фикрлайдиган, ўз ишини, хорижий тилларни пухта биладиган малакали кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ. Ана шу долзарб муаммони ҳал қилиш мақсадида партия вакиллари қайси олий ўқув юртига, қайси коллежга бориб, туризм бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнлари билан, ўқув дастурлари билан қизиқяпти? ", деб таъкидлаган эди.

Бу танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, партия Хоразм вилоят кенгаши фаоллари яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи билан ҳамкорликда соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда Урганч туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежида туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш борасидаги ўқув-услубий ишлар сифатини ўрганди.

Аниқланишича, мазкур касб-ҳунар коллежида умумкасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлар билан таъминланиш даражаси атиги 37,1 фоизни ташкил этади. Таълим муассасасида ҳафталик дарс 38 соатдан иборат. 1-курсда 8 соат, 2-курсда 18 соат, 3-курсда 26 соат умумкасбий ва махсус фанлар учун ажратилган. Амалий машғулотлар асосан Урганч шаҳридаги Авесто, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий маданий ёдгорликлари, Амир Темур хиёбони ва Хива шаҳридаги ёдгорликларда ташкил этилмоқда.

Ўрганиш давомида туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор таъсирчан чоралар ишлаб чиқилди.

— Туризм ривожини малакали кадрларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ибодулла Болтаев. — Бунинг учун кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш жуда муҳим. Мазкур касб-ҳунар коллежида таълим жараёнини ўрганиш чоғида ўқитувчи-педагог, ишлаб чиқариш таълими вакилларининг туризм ривожланган хорижий давлатларда малака оширишларини таъминлаш, чет эл туристик фирмаларининг етакчи мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ўқувчиларга "Маҳорат дарслари"ни ташкил этиш зарурлигини англадик.

Мазкур таълим муассасасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатда таълим сифатини яхшилаш, битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга бериладиган имтиёзлар борасидаги саволларига жавоб берилди. Ўқувчилар соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ва соҳа янгиликлари билан таништирилди.

* * *

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 майдаги "2017-2019 йилларда Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳри туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳудудда сайёҳлик индустриясини ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Қарор билан тасдиқланган Дастурга асосан улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши янги туристик йўналишлар ташкил этиш, туризм инфратузилмасини янада ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқади.

Туризм соҳаси билан боғлиқ фаолиятда, албатта, партия вакилларининг янада фаол бўлиши талаб этилади. ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши фаоллари иштирокида Бухоро туризм касб-ҳунар коллежида ўтказилган учрашувда вилоятнинг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида сўз юритилди. Коллежнинг ўқув дастурлари, моддий-техника базаси, ўқувчилар учун мавжуд шароитлар ўрганилди.

— Айни дамда коллежимизда 810 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди коллеж директори Азим Адизов. — ЎзМТДП вилоят кенгаши фаоллари таълим даргоҳимизда бўлиб, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит, ўқув жараёни, дарсликлар ва кутубхона фонди билан қизиқдилар. Ўқувчилар билан суҳбат давомида туризмга оид қонун, қарор, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳияти юзасидан маълумотлар берилди. Таълим маскани ўқувчилари вилоятда мавжуд туризм имкониятлари ва инфратузилмаси, янги туристик йўналишлар ҳақидаги саволларига жавоб олдилар. Хорижий тилларни пухта биладиган малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида чет тили дарс соатларини кўпайтириш таклифи илгари сурилди.

Учрашувда касб-ҳунар коллежидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишган партия вакиллари коллежнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, унда замонавий меҳмонхона шароитларини яққол акс эттирадиган меҳмонхона ўқув номерини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Коллежда ўқувчилар нафақат назарий, балки амалий билимга ҳам эга бўлиши зарур. Шу мақсадда ташкил этиладиган махсус кафедрада сайёҳлик ва меҳмонхона хизматлари, ресторан бизнесини ташкил этиш билан боғлиқ фанлар ўқитилса, айни муддао.

Соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, коллежни битириб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга имтиёзлар тақдим этиш, қўллаб-қувватлаш бундан буён партия фаоллари томонидан доимий назоратга олинади.

Коллеждаги шарт-шароитни ўрганган партия фаоллари ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари туризм билан боғлиқ корхоналарни янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, соҳага хорижий инвестицияни жалб қилиш, маҳаллийлаштириш дастури асосида янги лойиҳаларни ишга тушириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бўлинмаси ва Бухоро туризм коллежи ҳамкорлигида Ўзбекистон миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва чет эл телеканалларида маданий мерос обьектлари, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, тарихий шахслар, ҳудуд ҳунармандчилиги ҳақида қисқа метражли фильмлар, реклама роликлари тайёрлаш ва намойиш этиш орқали тарғибот ишларини янада кучайтириш борасида фаолият олиб боришга келишиб олдилар.

Алишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби,
Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

МММда

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: осойишталик йўлида ҳамкорлик" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ички ишлар органлари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсадида ташкил этилган анжуманда ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ўтган қисқа даврда кўплаб янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, ҳафтанинг пайшанба куни — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни, деб белгиланиб, ҳар бир маҳалла хонадонларига уйма-уй кириб, оиладаги маънавий-ижтимоий муҳитни, таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ўрганиш, оила, турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди.

— Қаровсизлик, назоратсизлик жиноятнинг бош омили саналади. Амалга оширилган тадбирлар натижасида жиноятлар салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга камайди, — деди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи Азизбек Икромов. — Лекин бу ҳали қониқарли натижа, дегани эмас. Ҳамкор ташкилотлар билан назоратни янада кучайтириш, вояга етмаганлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, профилактика инспекторлари фаолиятини чуқур таҳлилий-танқидий баҳолаш олдимизда турган устувор вазифадир.

Таъкидлаш жоиз, ҳамкорликда амалга оширилган режали тадбирлар натижасида республика ҳудудида вояга етмаганлар жиноятчилиги 134 тага, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари жиноятчилиги 260 тага камайган. Профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда осойишталикни таъминлаш йўлида олиб борилган ишлар натижасида 1 минг 500 дан ортиқ маҳаллада жиноят содир этилишининг олди олинди. 849 қидирувдаги шахс қўлга олинди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тадбирда профилактика инспекторларига қулай меҳнат ва турмуш шароитини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани эришилаётган натижаларда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Суд ҳимоясида

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ РАИСИ БАХТИЁР ИСЛОМОВ БИЛАН СУҲБАТ



— Маълумки эркин давлат, адолатли жамият қуриш кўп жиҳатдан суд тизими қай йўсинда йўлга қўйилгани, унда одиллик қай даражада таъминланганига боғлиқ. Чунки у инсон ҳаётида рўй берадиган жиноий иш бўладими, фуқаролик, маъмурий ёхуд иқтисодийми, алалоқибат, охирги сўзни суд айтади. Шу боис суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 21 февралда "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари қабул қилинди. Шу йилнинг 13 июнида эса мутасадди ва масъул идоралар раҳбарлари, судьялар, соҳа фахрийлари, жамотчилик вакиллари иштирокида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди...

— Давлатимиз раҳбари ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат. Албатта, бу ўз-ўзича амалга ошадиган жараён эмас. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, энг аввало, унинг янгича тузилмаси ва таркиби, тартиб-қоидалари, самарали механизм, замонавий шакл ва усулларининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Президент фармонлари асосида жорий йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятиниг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Бунинг бир қанча афзаллик жиҳатлари мавжуд. Энг аввало, ушбу ўзгариш суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этади ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиради. Суд ҳокимияти икки олий органининг параллел фаолият кўрсатиши қонун ҳужжатлари талабларини бир хилда қўлланишини таъминлай олмади, бир-бирига ўхшаш масалалар бўйича турлича қарорлар қабул қилинишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш судьялик лавозимларига малакали мутахассислар орасидан очиқ ва шаффоф танлов асосида судьялар корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлиги бузилиши ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, номзодлар ва судьяларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш каби вазифаларни бажаради.

Мамлакатимиз суд амалиётида яна бир янгилик — илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва ҳудудий, туман ва шаҳар маъмурий судлари фаолияти йўлга қўйилди. Илгари бундай фаолият билан кўрилаётган ишнинг таркибидан келиб чиқиб, тегишлилиги бўйича ҳам фуқаролик, ҳам хўжалик, ҳам жиноят ишлари бўйича судлар шуғулланар эди. Бугун ушбу тоифадаги ишлар фақат янги ташкил этилган маъмурий судлар томонидан кўрилмоқда.

Суд ҳокимияти икки олий органининг бирлашиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари иқтисодий судлар этиб ўзгартирилди. Мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари сони ва салмоғи ортиб бораётгани боис туманлараро ҳамда туман(шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, моддий-техника ва молиявий масалаларни мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди. Ҳарбий судларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилгани замирида ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мақсади мужассам.

Судлар тузилмасига судья ёрдамчиси ҳамда судья катта ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Бунда иккита мақсад назарда тутилган. Биринчиси, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, иккинчиси, суд кадрлари захирасини тайёрлаш.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд тизими самарадорлиги ва фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан ушбу йўналишда амалий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мамлакатимизда илк бор судьяларнинг муддати қайта кўриб чиқилди. Энди судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Бу судьялик мақомига билдирилган юксак ишонч демакдир.

Бундай янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Масалан, эндиликда қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан марҳум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турлари қўлланмоқда. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди. Прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларининг ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бундан ташқари судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилди.

Яна бир янгилик — суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилди. Вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар тугатилди. Тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўришга оид бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинди. Президент фармони билан қабул қилинган Комплекс чора-тадбирлар дастури асосида суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор йўналиш бўйича 45 та аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Қисқа муддат ичида бундай кенг қамровли ишларнинг амалга оширилиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларнинг амалдаги ифодаси, деб айтиш мумкин. Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи асосий йўналиши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Албатта, бугунги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш тезда амалга ошадиган жараён эмас. У маълум бир муддатни, фуқаролар фаоллиги ва ташаббускорлигини, ҳуқуқий маданияти юксаклигини тақозо этади. Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг катта қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани, бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжудлигини, уларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир судья бир ойда камида бир марта жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этиши, сайёр суд мажлисларини ўтказиши, судьяларнинг ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келганини, бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беришини қайд этди.

— Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир судья томонидан аҳоли билан жойларда ҳар ойда камида бир марта очиқ мулоқот ташкил этиш ҳақидаги таклифи жуда ўринли бўлди. Бу судьяларни халққа янада яқинлаштиради.

Видеоселектор йиғилишидан сўнг зудлик билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Давлатимиз раҳбари суд идоралари ва судьяларга қўяётган талаб ва топшириқлар ҳозирда амалиётга тўлиқ тадбиқ қилинмоқда. Шахсан ўзим халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 2017 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот бердим. Бундай амалиёт илк бор йўлга қўйилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Судьяларимиз аҳоли билан мунтазам очиқ мулоқотлар ўтказмоқда, сайёр суд мажлислари ташкил этиляпти. Масалан, сўнгги уч ой (июль-сентябрь) ичида судьяларимиз аҳоли билан 618 маротаба очиқ мулоқот ўтказди. 1 минг 126 та (39,4 фоиз) иш сайёр суд мажлисида кўрилди, жиноят ишлари бўйича 1 минг 964 та (68,7 фоиз) хусусий ажрим чиқарилди.

Очиғи, илгари иш кабинетидан деярли чиқилмасди. Аҳоли билан очиқ мулоқот, сайёр суд мажлислари одамларнинг ичига кириш, уларнинг муаммоларини эшитиш, энг асосийси, ҳар бир ишга адолат кўзи билан қараш, одил қарорлар қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Пировардида ўзимиз ҳам, қарашларимиз ҳам ўзгаряпти.

— Яқин-яқингача суднинг оқлов ҳукмини чиқариши камёб воқеа саналар, борди-ю битта-яримта шундай қарор чиқиб қолгудай бўлса, у ҳам ҳуқуқшунослар, ҳам фуқаролар ўртасида шов-шувга айланиб кетарди. Бу ҳолат ўша даврдаги судларнинг асл қиёфасини муайян даражада намоён этади. Кўп мамлакатларда суд фаолиятига қанча оқлов ҳукми чиқарилганига қараб баҳо бериш таомилга айланган. Айни шу ҳолат одил судловга эришишни, соҳада кенг қамровли ва чуқур ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этаётганди...

— Фикрингизни қўллаб-қувватлаган ҳолда қуйидаги рақамни келтирмоқчиман. Шу йил давомида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан 31 жиноят иши юзасидан 37 нафар шахсга нисбатан оқлов қарорлари чиқарилди. Уларнинг 29 нафари сўнгги уч ой ичида оқланди. Шундан 16 нафарига биринчи, 21 нафарига эса юқори инстанция судлари оқлов қарорлари чиқарди.

— Суднинг вазифаси фақат қамаш ёки жазолашдан иборат бўлмаслиги, Президент айтганидек, у том маънода "Адолат қўрғони"га айланиши керак. Тасодиф, мажбурлаш, туҳмат, адашиб ёки билиб-билмай жиноятга аралашиб қолганлар камми? Уларни фақат жазолаш билан мақсадга эришиб бўлмайди-ку, шундай эмасми?

— Шу боис давлатимиз раҳбари жамият, биз судьялар зиммасига одил судловга эришиш вазифасини қўймоқда. Судларга эркин давлат, адолатли жамият қуришнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралмоқда. Бугунги кундаги фаолиятимиз ана шундай мақсадга қаратилган.

Шу ўринда эътиборингизни иккита оқлов ҳукми чиқарилган жиноят ишига қаратмоқчиман. 2016 йилнинг 23 март куни "Тошкент-Чимён" автомобиль йўлида учта енгил транспорт иштирокида автоҳалокат содир бўлади. Бунинг натижасида бир киши қурбон бўлди, уч киши оғир тан жароҳати олди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман суди ўзаро тўқнашган автомобиль эгаларидан ташқари учинчи шахс — У.Азимовни ҳам айбдор ҳисоблаб, уни ҳам 6 йилга озодликдан, ҳам 3 йил барча турдаги автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ишни аппеляция инстанциясида кўриб чиқиб, ушбу иш юзасидан чиқарилган ҳукмнинг У.Азимовга оид қисмини бекор қилди, ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани сабабли иш тугатилди, унга нисбатан эҳтиёт чораси олиб ташланди.

Иккинчи жиноий ишга мувофиқ, "Шуҳрат сифат қурилиш" МЧЖ раҳбари Р.Жўраев Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича шартнома асосида қонуний иш бажарган. Лекин компания масъул шахслари Р.Болаян ва И.Исаев эса "Сайфулла ота" хусусий корхонаси раҳбари Ж.Нуруллаев билан олдиндан тил бириктириб, бажарилмаган ишни сохта ҳужжатлар асосида киритиб, бюджет маблағларини талон-тарож қилади. Тергов жараёнида бу жиноий ишга алоқаси бўлмаган Р.Жўраевга



нисбатан ҳам уларга шерик бўлган, деган хулоса чиқарилади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди тергов материалларини ўрганиб, Р.Жўраевни айбсиз, деб топди ва ушбу жиноятларни содир этишда дахли бўлмаганлиги учун оқлов ҳукми чиқарди.

Ҳар икки ишда жиноят аломатлари бордек, икки шахс ҳам жиноятга шерикдек, лекин одил кўз билан қараб, таҳлил қилинганда унинг тескариси бўлиб чиқди, адолат қарор топди. Одил судлов айни шу нуқтада ўзини кўрсатиши, унинг адолатлилиги ана шундай пайтда тўлиқ намоён бўлиши керак. Бу, албатта, ишни кўрувчи судьядан одилликни, ҳалолликни, билим ва малака, юксак маънавиятни талаб этади.

Булардан ташқари муқаддам судланган 11 нафар мансабдор шахснинг ҳам жиноий ишлари қайта кўриб чиқилиб, уларга нисбатан оқлов қарорлари чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг диний оқимга адашиб кириб қолган ёшларни чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, мурожаат қилса кечирилиши ҳақидаги чиқишларидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга келаётганлар сони ортди. Фуқаро М.Каримованинг Президентнинг виртуал қабулхонасига қилган мурожаатига кўра, ўғли А.Каримов бундан 17 йил аввал диний оқимга адашиб кириб қолган. Унга нисбатан 2002 йилда қидирув эълон қилинган. Лекин у кўрқиб, 17 йил яшириниб юрган. Бу муддат давомида уйланиб, икки фарзандли ҳам бўлган. Ёшлигида қилган хатосини тушуниб етиб, пушаймон эканлигини, кечиришларини сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ўз хоҳиши билан мурожаат қилган. Онаси 2017 йил 5 мартдан буён қамоқда бўлган ўғлини авф этиб, озод қилишни сўради. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2017 йил 18 августдаги ҳукмига асосан А.Каримовга нисбатан 5 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинланди ва ўша ондаёқ эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамоқдан озод қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бераётгани, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончи ортаётгани, суд ҳимоясида эканлигини англаётганидан далолат беради.

Суҳбатдош: Исмат ХУДОЁРОВ

МММда

Ҳозирги кунда мамлакатимиз темир йўлларининг умумий узунлиги қарийб 7 минг километрни ташкил этади. Истиқлолга эришганимиздан буён 4 минг километрга яқин темир йўл қайта реабилитация қилинди, 2 минг 100 километрга яқин янги пўлат излар ётқизилди, 2 минг 500 километр темир йўл тўлиқ электрлаштирилди.

ЯНГИ ЙЎЛЛАР — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан тизимда амалга оширилган ишлар, эришилган натижа ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Унда истиқлол йилларида мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳаси муносиб тараққиёт йўлини босиб ўтгани, ҳудудларни ишончли боғлайдиган, халқаро транспорт йўлакларига чиқиш имконини берадиган темир йўл транспорти коммуникацияларининг яхлит тизими барпо этилгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда темир йўл вокзалларини замонавий талаблар асосида қайта қуриш, уларни йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, ички ва ташқи туризм ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшади. Айни шу мақсадда ўтган даврда мамлакатимизда 10 га яқин янги темир йўл вокзали замон талаблари даражасида қуриб фойдаланишга топширилди. 20 дан зиёд вокзал жаҳон стандартларига мос равишда капитал таъмирланди. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги Жанубий вокзални реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимини барпо этиш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ошириш мақсадида кўплаб йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини пойтахт ва бошқа вилоятлар билан боғлайдиган ва узунлиги 341,6 километр бўлган "Навоий — Учқудуқ — Султонувайстоғ — Нукус" янги темир йўл линияси, лойиҳа доирасида Амударё узра темир йўл ва автомобиль қўшма кўприги, "Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон" янги темир йўл линиялари қуриб фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир. Орттирилган катта тажриба ва янги технологиялар боис темирйўлчилар томонидан Афғонистонда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, "Ҳайратон — Мозори Шариф" йўналишида 106 километр пўлат излар ётқизилди.

2010 йилда умумий узунлиги 344 километр бўлган "Тошкент — Самарқанд" линиясида кенг кўламли модернизация ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада 2011 йилдан бошлаб мазкур йўналишда "Afrosiyob" юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поезд мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонларга халқаро талаб даражасида хизмат кўрсатишни бошлади. Тармоқда амалга оширилган электрлаштириш ишлари натижасида 2015 йил Тошкентдан Қаршига, 2016 йилда эса Тошкентдан Бухорогача ана шундай замонавий поездларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

— Ҳозирги кунда Урганчдан Хива шаҳригача бўлган масофада пўлат излар ётқизиш, электрлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бош менежери — бош муҳандиси Ҳуснидин Ҳосилов. — Мазкур лойиҳа ниҳоясига етгач, ушбу йўналишда ҳам замонавий юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар йўлга қўйилади ва вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун халқаро талаб даражасида шароитлар яратилади.

Анжуманда таъкидланганидек, Фарғона водийсини мамлакатимиз пойтахти билан боғлайдиган умумий узунлиги 123,2 километрлик Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва узунлиги 19,2 километрга тенг "Қамчиқ" туннели бунёд этилгани йирик лойиҳалардан бири бўлди.

Тадбир давомида узунлиги 355 километрни ташкил этувчи Бухоро — Мискин янги темир йўлининг муддатидан илгари қуриб фойдаланишга топширилгани ҳам алоҳида қайд этилди.

Айни кунларда тармоқда бунёдкорлик-қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Турли мураккабликдаги йўллар, кўприклар, эстакадалар бунёд этилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Сергели туманини шаҳар маркази билан боғлайдиган олти бекатли, узунлиги 7 километрдан зиёд ер усти, Юнусобод туманида 3 бекатдан иборат ер ости метрополитенини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Исломжон НОРМАМАТОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Туризм

"ИПАК ЙЎЛИДА ТУРИЗМ"

23-ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ЯКУНИ ВА ХУЛОСАЛАР

Шу йилнинг 3-5 октябрь кунлари пойтахтимизда 23-"Ипак йўлида туризм" халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилди. Унда Россия, Германия, Испания, Франция, Япония, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия каби 32 давлатдан элликдан зиёд сайёҳлик фирма ва компаниялари ҳамда нуфузли халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.



Жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик соҳасидан келадиган даромад нефть ва кимё саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Аҳамиятлиси, туризм маҳсулотлари табиий бойликлардан фарқли ўлароқ вақт ўтиши билан камаймайди, аксинча оммалашиб боради. Ана шу жиҳати билан туризм давлатларнинг катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 200 миллионга яқин киши ушбу соҳада меҳнат қилади, дунё иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган йиллик даромад 1 триллион АҚШ долларидан зиёдроқни ташкил этаётир. Сайёҳлар сони ҳар йили 4-5 фоизга кўпайиб, бошқа давлатларга саёҳат қилувчилар сони 1 миллиарддан ошмоқда.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжоларининг кўплиги бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туради. Бугун мамлакатимизда 7 мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Халқаро туризм ва сайёҳлик соҳаси экспертлари Ўзбекистонни яқин келажакда сайёҳлар оқими янада ортиши кутилаётган беш давлат қаторига қўшмоқда. Улар мамлакатимизда кейинги 10 йил ичида туризмнинг йилига 7 фоиздан ўсиб боришини башорат қилмоқда.



Айни кунда юртимизда 800 дан ортиқ сайёҳлик ташкилоти фаолият олиб боради. Янги сайёҳлик йўналишлари очиш, меҳмонларни тарихий обидалар, миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари билан таништириш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинг — меҳмонлар хизматида. Янги сайёҳлик йўналишларининг ишлаб чиқилаётгани, транспорт-коммуникация тизими халқаро стандартлар даражасига келтирилаётгани соҳа ривожига, мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг янада кўпайишига ҳизмат қилаётир.

Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, 1 миллион 800 минг сайёҳ юртимизга ташриф буюрди. Бу 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўп. Сайёҳлик хизматлари экспорти ҳам 17 фоизга кўпайиб, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил этди. Йил охиригача юртимизга келувчи сайёҳлар сони 2,5 миллиондан ошиши кутилаётир.

Йилдан-йилга туризмнинг янги истиқболлари — турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, экотуризм, геотуризм, тиббий ва маданий йўналишлар, альпинизм, отда, туяда, велосипедда саёҳат қилиш, "off-road" саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг сингари янги сайёҳлик йўналишлари оммалашиб бормоқда. Албатта, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатлари, қолаверса, замонавий меҳмонхона ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат турлари, сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган қулайликлар, сўлим ва бетакрор табиатимиз туризмнинг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айлантириш вазифасини қўйди. 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонига мувофиқ соҳа ривожи учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Фармонда ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш борасида қатор вазифалар белгиланган.

Ҳудудларда сайёҳликнинг янги турларини ташкил этиш ва уларни паспортлаштириш, туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантириш, кўриқхоналар, экомарказлар, биосфера резерватларини ўз ичига олган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоғини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро туризм ярмаркаси мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий сайёҳлик хизматларни халқаро бозорларга таклиф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган "Ипак йўлида туризм" 23-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасининг очилиш маросимида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар мутахассислари, дипломатик корпус ва соҳа вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Абдуҳакимов, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг лойиҳалар бўйича мувофиқлаштирувчиси Д.Ильин ва бошқалар Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси изчил ривожланаётганини, ушбу соҳанинг янги лойиҳалар ва тармоқлар ҳисобига кенгайиб бораётганини, сайёҳларни жалб қилиш учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

— Тошкентда халқаро туризм кўргазмаси 1995 йилдан буён Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда, — дейди Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг лойиҳалар бўйича мувофиқлаштирувчиси Дмитрий Ильин. — Мазкур кўргазма нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё учун ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Ярмаркада бутун дунёдан соҳа вакилларининг иштирок этгани мамлакатингизнинг сайёҳлик салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради. Зеро, Буюк ипак йўлида жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар асрлар оша ўзбек халқининг ўзлигини намоён этувчи маданий мерос сифатида дунё афкор оммаси, сайёҳлар диққат-эътиборини ўзига қаратиб келмоқда. Яқин йилларда туризм соҳаси мамлакатингиз иқтисодиётининг энг кўп фойда келтирувчи тармоғига айланади, дейишимизга тўла асос бор.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси мамлакатимизда туризм индустриясини янада кенгайтириш, жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг бой ва ранг-баранг маданияти, санъати, сайёҳлик соҳасини юксалтиришга хизмат қиладиган транспорт-логистика хизматлари билан яқиндан таништириш, хорижий компания ва ташкилотларнинг инвесторлар учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар ҳақидаги хабардорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юртимизда туризм индустрияси имкониятларидан тўла фойдаланишга кенг йўл очди, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Темур Мирзаев. — Сўнгги беш йилда мамлакатимизга хорижий сайёҳлар келишининг ўртача йиллик ўсиш суръати 16,8 фоизни ташкил қилди. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида туристик ташкилотлар сони 1,5 бараварга кўпайди. Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўзининг кўлами ва иштирокчилари сони, миллий стендларда намойиш этилган кўргазмалар миқёси ва мазмун жиҳатдан бой эканлиги тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди.

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада фаол ривожланмоқда, — дейди Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Башар Шэн. — Бу йил ўзбекистонлик ишбилармонлар иштирокида уч марта бизнес-форум ўтказдик. Уларнинг иккитаси Тошкентда, биттаси Туркияда бўлиб ўтди. 2016 йилда икки томонлама савдо ҳажми 1,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ўтган олти ойда савдо ҳажми 800 миллион долларга етди. Йил охиригача бу кўрсаткич 1,4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Сайёҳлик соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларни янада ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ярмарка ҳар икки давлат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим ўрин тутади.

Навбатдаги халқаро ярмарканинг асосий ҳамкор-ҳудуди сифатида Хоразм вилояти танлаб олинди. Тадбир давомида мазкур ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятига оид маълумотлар тақдимоти, бой тарихий-маданий мероси, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналари кенг миқёсда намойиш этилди. Айниқса, Хоразм миллий таомлари дегустацияси, моҳир ҳунармандларнинг маҳорат сабоқлари, фольклор ансамбларининг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Кўргазма миллий павильонида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти кенг намойиш этилди. Сопол ва чинни маҳсулотлари, мисгарлик буюмларини тайёрлаш, зардўзлик, каштачилик бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Миллий ҳунармандлик буюмлари ҳамда либослар намойиши уюштирилди. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий маданияти, туризм имкониятлари намойиш этилди.

— Жиззах вилоятида ҳам туризм, айниқса, экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Жиззах вилоятидаги вакили Лола Санаева. — Экотуризмни ривожлантиришда Туркистон тоғ тизмалари бағрида жойлашган Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Бахмал туманлари, Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудида кенг имкониятлар мавжуд. Экосайёҳлар оқимининг кўпайиши қишлоқ ҳудудлари аҳолиси фаровонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу жиҳат ҳисобга олиниб, вилоятда 2017-2021 йилларда туризмни ривожлантириш дастурида замонавий экотуризм инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу дастур асосида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 2 янги меҳмонхона, 2 санаторий, 10 дан ортиқ уй-меҳмонхоналар ишга туширилди. Янги туристик йўналишлар очилмоқда.



— Ўзбекистонда саёҳатни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имконият мавжуд, — дейди Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходими Андри Хеакал Карнадибрата. — Қадимий тарихий обидалар, табаррук қадамжолар, маданий мерос намуналари бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда. Ярмарка ўзаро ҳамкорлигимизда янги саҳифа очди. Биз юртингиздаги сайёҳлик компаниялари ва фирмалари билан ҳамкорлик истиқболлари бўйича шартномалар тузишга эришдик.

Ярмарка доирасида учинчи маротаба ташкил этилган "Hosted Buyers" (профессионал харидорлар) дастури ҳам мамлакатимизда туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур дастур доирасида Самарқанд ва Хива шаҳарларига саёҳатлар ташкиллаштирилди.

...Қўли гул ҳунармандларимиз меҳнати маҳсули акс этган "Шарқ бозори" экспозицияси анча гавжум. Унда халқимизнинг савдо-сотиқ маданияти, миллий маънавият, ижодкорлик салоҳияти, меҳмондўстлик каби эзгу қадриятлари бор бўй-басти билан намоён бўлди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида туризмни ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим мудири Илҳом Расулов. — Партия мамлакатимизнинг халқаро имижини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиш йўлида кенг қамровли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга киришган. Бир гуруҳ партия фаоллари ва депутатлар Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида бўлиб, юртимиз ҳунармандлари, хорижлик мутахассислар билан суҳбатлашдик. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос туристик салоҳияти ва бу борадаги муаммолар билан яқиндан танишдик. Айни кунда партия туризмни ривожлантириш бўйича қатор ҳаётий ва самарали лойиҳа ҳамда ғояларни илгари сурмоқда. ЎзМТДП ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши ҳам ана шу йўлдаги амалий қадамдир. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда соҳани такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишимиз лозим. Бу эса, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шарқ таомлари ноанъанавий тайёрлаш усуллари ва бетакрор мазаси билан машҳур. Уч кунлик кўргазма мобайнида "Ўзэкспомарказ" павильонларида "Ипак йўли таъми" миллий таомлар фестивали ўтказилди, уларнинг ҳар бирида Ўзбекистон ҳудудларининг гастрономик маҳсулотларини татиб кўриш имконияти яратилди.

"Туризм соҳасида интерактив хизматлар", "Сайёҳлик соҳасидаги компаниялар интеграциялашуви" мавзуларидаги тақдимотлар маҳаллий ва хорижий сайёҳлик ташкилотларининг ҳамкорликдаги лойиҳаларни мувафақиятли амалга ошириш истиқболларига бағишланди.

6 октябрь куни Хива шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида "Халқаро туризмнинг тарихий ривожланишида Ипак йўли" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Унда юртимизда ички туризмни ривожлантириш масалалари, аҳолига бу йўналишда хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Очиқ осмон остидаги шаҳар-музей "Ичан-қалъа" бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

23-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши, компания ва меҳмонхона тақдимотлари, энг яхши стенд, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Эркин ДОРИПОВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ХУРМО – ЙОД МОДДАСИГА БОЙ МЕВА

Хурмо меваси таркибида киши организмига фойдали органик бирикмалар, темир, фосфор, мис, марганец, магний, калий каби моддалар кўп. У суяк мустаҳкамлиги учун зарур кальцийга бойлиги жиҳатидан олма, апельсин ва банандан қолишмайди.



Таркибидаги фтор тишларни емирилишдан, селен саратон касаллигидан асрайди, юрак хасталикларига чалиниш хавфини камайтиради. Хурмо унчалик тўйимли бўлмаса-да, бироқ фойдали моддаларга бой. Шунинг учун озиш мақсадида парҳез сақлаётганлар уни ширинлик ўрнида истеъмол қилса бўлади.

Қадимда табиблар ошқозон-ичак хасталикларини даволашда хурмони тавсия этишган. Мунтазам хурмо истеъмол қилинса, ичакларда фойдали бактериялар тўпланади. Ичаклар фаолиятини яхшилаш учун беш дона хурмони ярим литр сувда бир неча дақиқа қайнатиб, ҳосил бўлган қайнатмани илиқ ҳолда эрталаб ва кечқурун ичиш керак. Ҳар куни беш дона хурмо еб, устидан бир стакан илиқ сув ичиш ҳам фойдали.

Хурмо меваси таркибидаги аминокислоталар ошқозон кислоталилиги ортишида наф бериб, жигилдон қайнашининг олдини олади. Баъзи халқлар хурмони сарёққа омухта қилиб ҳам истеъмол қилади. Бу бежиз эмас. Сабаби, мева таркибидаги углеводлар ёғнинг ҳазмини осонлаштиради. У оқсилга бой. Шоколад ва конфетлардан фарқли ўлароқ организмга чинакам қувват бағишлайди. Таркибида B5 дармондориси мўл бўлгани учун спортчиларга фойдали — мушакларни катталаштиради. Глюкоза ва B гуруҳ дармондориларга бой бўлганлиги сабабли ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларга тавсия этилади.

Хурмо — йодга бой мева. Ҳар куни 200-250 грамм хурмо истеъмол қилиш организмнинг йод моддасига бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Йод моддаси инсоннинг ақлий фаолияти ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Шарқ табобатида хурмо ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун энг яхши егулик саналади. Чунки унинг таркибидаги элементлар кўкрак сутини кўплаб фойдали дармондориларга тўйинтириб, бола организми ривожланишини тезлатади, касалликларга қаршилик қобилиятини оширади. Камқонликдан азият чекадиганлар нонуштага сут, қаймоқ ва хурмо тановул қилса, айни муддао. Қабзиятдан қийналадиган кишилар ухлашдан олдин 4-5 дона хурмо меваси еб, бир стакан сут ичса, дарддан халос бўлади.

Таркибида шакар ва ёғ моддалари сероб бўлгани учун ушбу мевадан кунига 15 тадан ортиқ емаган маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

- Кино юнонча "kineo" сўзидан олинган бўлиб, "ҳаракат" деган маънони билдиради.
- Дунёдаги илк овозли фильм — "Жаз хонандаси" 1927 йилда АҚШда суратга олинган.

ТУРФА ОЛАМ

ОВҚАТ КАЛОРИЯСИНИ ЎЛЧАЙДИГАН ҚУРИЛМА



Япониянинг "Panasonic" корпорацияси "CEATEC — 2017" кўргазмаси доирасида таомнинг калориясини унга тегмаган ҳолда ўлчашга мўлжалланган "CaloRieco" номли қурилмани тақдим қилди.

У ёки бу таомнинг озуқавий қийматини аниқлаш учун уни "CaloRieco" қурилмаси ичига жойлаб, қопқоғини ёпиб, бироз кутиш кифоя. Компания вакилларининг таъкидлашича, егуликни аниқроқ таҳлил қилиш учун уни бўлакларга бўлиш ёки майдалашга ҳожат йўқ. Қолаверса, унинг ташқи кўринишига ҳам путур етмайди.

Таомни таҳлил қилиш учун тахминан ўн сония вақт сарфланади. Бу вақт ичида тизим таомни сканердан ўтказади ва унинг оғирлиги, таркиби ва озуқавий қиймати ҳақида маълумот беради. Фойдаланувчи бу маълумотларни смартфон ёки планшетга ўрнатилган махсус дастур орқали қабул қилади. Тизим истеъмол қилинган калориялар миқдорини эслаб қолиб, кундузги меъёрдан ошмаган ҳолда қабул қилса бўладиган таом ва озиқ-овқат маҳсулотларини тавсия қилади.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, "CaloRieco" парҳез тутадиган ҳамда турли хасталикка чалингани боис таомнинг калориясини ҳисоблашга эҳтиёж сезадиган инсонларга асқотади. Ҳозирча қурилма фақат синов тариқасида ишлаб чиқарилди. Унинг қачондан бошлаб оммавий ишлаб чиқарилиши ҳозирча номаълум.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1016, Адади — 5055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.40. Топширилди — 00.10.

ISSN 2010-7714
1 772010 771003 12345